# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!




# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • e-mail: uzas@b2c.uz • 2012-yil 1-sentabr • №35 (4174)


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа – Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йигирма бир йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Мен ишонаман – асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлигимизни англаш, инсоний шаънимизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуғ айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадрли юртдошларим!

Ўз-ўзидан аёнки, кишилик тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йигирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилганимизни яққол намоён этмоқдамиз.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа – замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чеҳраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган кўпгина рақам ва маълумотларни келтириш қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси аввало мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципни ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айни шу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси деб қабул қиламиз.

Бундан йигирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан борйўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намоён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охирги етти йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равнақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгина ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўяётган айни шундай ўткир талабларни инобатга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз – бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огоҳ, доимо ҳушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо берар эканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни қўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсиқ ва ғовларни енгишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз эътиқодидан қайтмасдан келгани, аввало ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобеликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги – 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тажрибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқмиз.

Бизнинг халқимиз, аввало, йигирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлодимиз порлоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон – мен такрор айтаман – ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда қулай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш – буларнинг барчаси доимо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Бугунги шукуҳли дамларда бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг:

Сиз кимнинг, қандай улуғ зотларнинг авлодисиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суяниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабангиз – юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда Ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.**

Халқимиз Ватанимиз давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигини катта кўтаринкилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Жорий йилда энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб **«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан»** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

2012 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан гўзал, шукуҳли, салобатли. Миллий боғ, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона либосда. Улар юртимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги, эркин ва обод Ватанимизни шарафлайдиган ҳамда Мустаҳкам оила йилига бағишланган бадиий пannолар билан безатилган. Давлатимизнинг мағрур ҳилпираётган байроғи ранго-ранг чироқлар ёғдусига безанган ям-яшил арчалар, мажнунтоллар билан уйғунлашиб атрофга ажиб тароват таратади, дилларга масрурлик бахш этади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуълаланаётган рамзий миноралар салобат тўкиб турган муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг нилий гумбазларидан нур ёғилиб турган маҳобатли ҳайкали улкан мажмуага янада улуғворлик бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, ул буюк зотнинг муқаддас руҳи ва беназир шеърияти эзгу ва хайрли ишларимизда ҳамиша ҳамнафас ва мададкор бўлиб келмоқда.

**Олам аҳли билингизким,**
**иш эмас душманлиғ,**
**Ёр ўлинг бир-бирингизга ки,**
**эрур ёрлиғ иш.**

Бобокалонимизнинг инсонга чексиз муҳаббат билан тўлиб-тошган бу каби фалсафий ўгитлари маънавий меросимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, наинки халқимиз, балки башарият учун ҳам буюк ҳикматдир. Зотан, улуғ мутафаккир бобомиз айнан "олам аҳли" деб мурожаат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди, буюк бобомизнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан кейин саноқли кунлардан сўнг, яъни, 1991 йил 28 сентябрь куни пойтахтимизда Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Бу юртимизда амалга оширилаётган бекиёс янгиланишлар ва бунёдкорлик ишларининг дебочаси бўлди. Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, халқимиз тарихида қутлуғ келди. Унутилмас сана бўлиб қолди. Шу боис Мустақиллик ва Наврўз байрамларининг асосий тантаналарини мазкур боғда нишонлаш чуқур рамзий маънога эга. Халқимизнинг катта байрамлари шу ердан бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилади.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади. Байрам аҳли ҳуррииятимизнинг муаззам қўшиғига жўр бўлади, минг-минглаб қалблардан отилиб чиқаётган садолар бутун оламга таралади. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилади, интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларига кириб боради.

Майдоннинг икки томонига ўрнатилган йирик экранларда мадҳиямиз садоларига ҳамоҳанг мустақил Ўзбекистоннинг зафарли одимлари, истиқлол йилларида бунёд этилган улкан иншоотлар, амалга оширилган йирик лойиҳалар, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини акс эттирувчи видеотасвирлар намойиш этилади.

Халқимизнинг эзгулик йўлидаги интилишлари, унинг дарди, орзу ва истаклари, анъана ва қадриятларини ифода этадиган "Мангу бўстон" қўшиғи янграб, Ўзбекистон заминида энг улуғ, энг азиз байрам бошланаётганидан далолат беради.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ЭЗГУЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини бекиёс бунёдкорлик ишлари, барча жабҳалардаги улкан ютуқлар билан нишонламоқда. Энг муҳими, мустақиллик йилларида бутунлай янги бир авлод, истиқлол фарзандлари вояга етди. Улар бугунги кунда ҳеч бир замонда бўлмаган шарт-шароитларда яшаяпти, таълим-тарбия олаяпти. Барча замонавий қулайликларга эга мактаблар, академик лицей ва коллежлар истиқлол фарзандлари онгу тафаккури ўсишига, илм-фан чўққиларини эгаллашига мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Ҳар томонлама етук, ўз мустақил фикрига эга, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш учун давлатимиз томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилгани ва ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб келинаётгани шундан далолатдир. Бироқ не-не аждодларимиз эркин ҳаёт, озод Ватан орзусида армон билан яшаб ўтишгани ҳам аччиқ ҳақиқатдир. Улар мустабид тузум азоб-уқубатларини бошларидан кечирдилар, қатағон қилиндилар. Юртим, Ватаним, миллатим дегани учун судсиз, сўроқсиз отиб ташландилар. Она тилимиз, бой тарихимиз, маънавий қадриятларимиз таҳқирланди.

Бугунги авлодлар истиқлолни буюк армон деб билган улуғ сиймоларни, қатағон қурбони бўлган миллатимиз фидойиларини у қадар яхши билишмайди. Шуларни назарда тутиб, оғир замонларда миллат тақдири ва келажаги учун қайғурган тараққийпарвар сиймолардан айримларининг армонли дил сўзлари, асарларига муҳрланган қалб исёнлари, орзу-ўйларини «Ватан, истиқлолинг мангу барҳаёт» сарлавҳаси остида газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

### АЙТАР СЎЗИМ

**Истиқлол қадрини англамоқ бўлсанг,**
**Дўстим, сенга дилдан айтар сўзим шул:**
**Озод юртга Чўлпон бўлиб назар сол,**
**Боту бўлиб севин, Элбек бўлиб кул!**

**Минҳожиддин МИРЗО**

4

## ҲУР ДИЁР ТАРОНАСИ

**2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови жараёнида она юртга муҳаббат руҳи билан йўғрилган юксак савиядаги қўшиқлар яратилмоқда.**

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси,

### Қутлаймиз!

Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ташкил этилган мазкур ижодий танлов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Давоми иккинчи саҳифада.

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бундан йигирма бир йил олдин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, халқимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича танлаган йўлимиз ягона тўғри қарор эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқламоқда.

Буни юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари ҳаёти, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиб, обод бўлиб, одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгаргани, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

"Истиқлол очган хазина". Байрам дастурининг ушбу бўлими "Ўзбекистонда" қўшиғи билан бошланади. Ватанимизнинг мафтункор таровати, азалий шону шуҳрати баланд оҳангларда куйланган мазкур ашула гўё тантана иштирокчилари, бутун халқимиз қалбидаги, юрагидаги туйғуларни ифода этгандек бўлади.

... Юракларни сел-симоб қилиб навосоз элимиз наволари янграйди. Жон қуши сайроғига ҳамоҳанг кўҳна наво садоси руҳиятга қувват, сафо бахш этади. Азал-азалдан эзгулик, одамийлик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат каби олижаноб туйғулар тараннум этилган мумтоз ашулалар, жозибали рақслар байрамимизда иштирок этаётган хорижлик дўсту ҳамкорларимизни ҳам тўлқинлантириб юборади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар ўзининг тарихий асосларига эга. Бошқача айтганда, аждодларимиз қолдирган бой мерос бугунги авлодлар салоҳияти билан янгича маъно-мазмун касб этмоқда, янада бойимоқда.

Истиқлолимизнинг йигирма биринчи йилида пойтахтимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган яна бир улуғвор кошона фойдаланишга топширилди. Замонавий ахборот ва компьютер технологиялари билан жиҳозланган, юртимиз ёшларига миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Симпозиумлар саройини ўз ичига олган Маърифат маркази миллий маънавиятимизни юксалтиришга қаратилган катта эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Халқимиз миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига содиқ, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган етук мусиқа асарлари яратиш баробарида жаҳон классик санъатини ўрганиш, бу йўналишда етук ижрочиларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

...Оҳанглари эзгулик нишоналари бўлиб, байрам саҳнасида жаҳон классик санъатининг дурдоналари янграйди...

Бугун мамлакатимизда кенг қулоч ёйган бунёдкорлик ишлари юртимизнинг ҳамма ҳудудларини, ҳар бир шаҳар ва қишлоқни қамраб олган. Бундай улкан ўзгаришларни кўрган кишининг кўнгли юксалади. Юртимизнинг барча жойларида барпо этилаётган маданий-маърифий иншоотлар, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт муассасалари, санъат саройлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, дам олиш ва ҳордиқ масканлари одамларимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада чирой очиши юртдошларимиз қалбидаги ғурур ва ифтихор, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларини кучайтирмоқда.

– Халқимиз мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда, – дейди байрам тадбири иштирокчиси, самарқандлик шифокор Қуроқбой Синдоров. – Истиқлол йиллари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ана шу эзгу мақсад йўлида қўлга киритилган улкан ютуқлар, бетимсол ишлар билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Яқинда хизмат юзасидан водийда бўлдим. Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона шаҳарларидаги ўзгаришларни, ободлик ва гўзалликни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Бундай янгиланишларни юртимизнинг барча ҳудудларида кўриш мумкин. Бу каби оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб қўрини, бунёдкорлик салоҳиятини кўрамиз.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар, нуфузли халқаро молия институтлари, етакчи эксперт ва таҳлилчилар томонидан эътироф этилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" ўзининг нақадар ҳаётбахш, буюк келажагимизга йўналтирилган концепция эканини тўла исботлади. Ўзбекистоннинг бугунги қудрати ва салоҳияти, халқаро майдонда тобора ортиб бораётган обрў-эътибори, мамлакатимиз жаҳоннинг кўплаб давлатларини оғир аҳволга солиб қўйган иқтисодий танглик шароитида ҳам барқарор юксалиб бораётгани мазкур концепциянинг чинакам тарихий аҳамиятга эга эканидан далолатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябрь ойида мамлакатимизда бўлган миссияси баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришганлиги ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётганлиги қайд этилган, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилган.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгартиришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарни ташкил этиш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ислоҳотлар иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққий эттириш имконини бермоқда.

Молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича кўрилаётган комплекс чора-тадбирлар банк тизими капитали етарлилик даражасининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолинишини ҳамда кредитлаш кўлами кенгайтирилишини таъминламоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга катта эътибор кўрсатилмоқда. Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолимизни, айниқса, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда мазкур соҳа энг муҳим омиллардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 ва 18 июль кунлари қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар бериш ҳамда статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартиришга доир фармонлари бу борада янада кенг ва янги имкониятлар очди.

..."Ватан". Муаззам майдон узра янграган қўшиқ уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг туб-тубигача етиб боради. Жаннатмонанд Ўзбекистон фарзанди, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканимиздан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Эл-юртимиз тинч ва осойишта. Оилаларимиз мустаҳкам. Фарзандларимиз соғ-саломат камолга етмоқда. Олам-олам орзулар билан келажакка қатъий ишонч билан яшаётган халқимиз ўзининг энг буюк байрамини кўтаринки кайфиятда нишонламоқда...

– Мана шу шукуҳли дамларда мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг юртдошларимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада теран англаймиз, – дейди тантана қатнашчиси, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 123-мактаб директори Салтанат Тўлаганова. – Истиқлолимиз халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш имконини бериб, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун асос бўлиб келаётир. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган ушбу улуғ айём қалбларимизга чексиз ифтихор, ғурур бағишлайди.

Юксак технологиялар асрида яшаяпмиз. Ҳар куни бир янгилик, бир янгиланиш гувоҳи бўламиз. Буни юртимиз саноатини янада ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мамлакатимиз автомобилсозлари ўтган йилнинг сентябрь ойида «GM-Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган, янгиланган "Chevrolet Captiva" автомобилини, жорий йилнинг март ойида "Chevrolet Malibu" автомобилини тақдим этдилар. Бундан ташқари, «Сурғил» кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси ҳамда Қашқадарё вилоятида синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқарадиган улкан завод қурилиши бошланди.

Жорий мавсумда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа очилди – деҳқонларимиз 7 миллион 170 минг тонналик улкан ғалла хирмони бунёд этдилар. Бу дастурхонларимиз тўкинлиги, рўзғорларимиз кут-баракаси демакдир. Айни пайтда минглаб гектар майдонларда янги боғлар, токзорлар барпо этилмоқда, шахсий томорқа хўжаликларида кўплаб иссиқхоналар ташкил қилинмоқда. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик жадал ривожланмоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги ва улар нархининг ўсаётгани кузатилаётган бир шароитда бундай юксак натижалар мисолида фаровонлик сари дадил одимлаётган меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намоён бўлади.

...Майдонга бахти кулган болаларимиз кириб келади – атрофни уларнинг шўх-шодон қийқириқлари тутиб кетади. Бу дунёда бола қийқириғидан кўра жозибалироқ овоз борми?! Болалар яйраса, кўнгил яйрайди, болалар кулганда, олам кулади. «Янги авлод», «Томоша», «Тантана», «Севинч», «Ором» болалар бадиий жамоалари ижросида ўғил-қизларимизнинг орзу-интилишлари, шўхлик ва эркаликлари, боланликнинг беғубор оламини ифода этадиган куй-қўшиқ ва рақслар намойиш этилади.

Баркамол авлод – халқимизнинг энг олий орзуси. Президентимиз таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам.

Баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий омилларидан бўлмиш она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, хусусан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она – соғлом бола" ғояси асосида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш мумкин бўлган ҳолатларни камайтириш мақсадида турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилган. Барча вилоятларимизда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Мамлакатимизда икки ёшгача бўлган барча болаларни бепул эмлаш йўлга қўйилган, бу, ўз навбатида дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. Кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йиллар давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон 2011 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, болалар спортини ривожлантириш борасида эришаётган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

...Боғу бўстонимиз эгалари ижросида мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила мустаҳкамлиги, унга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида "Мустаҳкам оила" қўшиғи янграйди...

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил юртимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган. Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йилларидан миллий маънавиятимизнинг мустаҳкам қўрғони – оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга, фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила соғлиғини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳар йили илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган кичкинтойларга анъанавий равишда Президент совғаси – мактаб сумкаси, дарсликлар ва ўқув қуроллари тўплами тақдим этилади. Мазкур совға давлатимиз раҳбарининг юртимиздаги ҳар бир болага оталарча меҳр ва эътиборининг ёрқин ифодаси сифатида фарзандларимиз хотирасида умрбод сақланиб қолади. Жорий йилда мамлакатимиз бўйича беш юз минг нафардан зиёд бола биринчи синфга қадам қўяди. Болалар ашула ва рақс гуруҳи ижросидаги "Совға" қўшиғи ва мусиқий композициясида ана шундай болаларнинг қувонч ва миннатдорлик туйғулари ўз ифодасини топади.

Баркамол авлод камолотида таълим-тарбия алоҳида ўрин тутади. Пойтахтимизда шу йил февраль ойида бўлиб ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, уни дунё мамлакатлари учун намуна сифатида кўрсатдилар. Баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида Ватанимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар жаҳонда кенг эътироф этилаётгани халқимизга катта ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Киндик қонимиз томган шу муқаддас тупроқни она Ватан дея атаймиз. Мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Мустақиллик ва эзгулик монументи", "Мотамсаро она", "Ватанга қасамёд" мажмуаларида она сиймолари – Ватан тимсоли ўз аксини топган.

Байрам томошаси дастуридан ўрин олган "Она тимсолида азиздир Ватан!" бадиий композициясида бу маъно-мазмун чуқур ифодалаб берилади.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

...Майдонга ҳарбий мусиқа садолари остида озод Ватанимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади...

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг кафолати бўлган замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, олдинда турган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Ватан шаъни, ғурури ҳақида сўз кетганда она юртни ҳимоя қилиш энг муқаддас бурч эканини ҳар бир ўғил-қиз юракдан ҳис этаётгани барчамизни қувонтиради. Ҳарбийлар, ҳарбий билим юртлари курсантлари, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ансамбллари ижросида ана шу туйғулар тараннум этилади. "Бу Ватан манимдир", "Сиз менинг посбонимсиз" каби қўшиқлар тантанавор оҳангларда янграйди.

2012 йилда мамлакатимиз тарихидаги яна бир қутлуғ сана – Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини нишонлаймиз. Юртимизда мустақил, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳалардаги тараққиётимиз, юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқаро майдонда ўрни ва нуфузини юксалтириш борасидаги ютуқларимизнинг бош омили эканлигидан фахрланамиз.

...Байрам тантанаси янада қизийди: эркин ва обод Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ва рақсларда обод Ватанда яшаш завқи, ёш авлод қалби ва тафаккурида жўш ураётган бунёдкорлик иштиёқи, шу заминда туғилиб камол топиш бахтидан масрурлик ҳислари жўш уради...

Эркин ва обод Ўзбекистон – бизнинг тақдиримиз ва бахтимиз. Бу жаннатмонанд диёр васфини севиб куйламоқ – саодат. Майдон узра таралаётган куй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улуғланади, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, севги, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар жозибали рақсларга уланади.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади, аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолаверади.

Самога сочилган ранг-баранг мушаклар қалблардаги ғурур ва ҳаяжон туйғуларини тоширади.

Кўнгилларда энг эзгу, энг буюк ниятлар туғён уради.

– Мустақиллик байраминг муборак бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!

– Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

* * *

31 август куни тонгда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Анъанага кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Шу куни Президентимиз Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

---

**Ҳусниддин ШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ТУТАШ ШОДИЁНАЛАР

**Тонг бўлиб юз очар умидли олам,**
**Олам қучоғида барқ урар кўклам.**
**Баҳорлар яратган Ўзбекистонсан,**
**Яшайвер, ҳур улкам, бағри нур ўлкам.**

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу сатрларимни Республика хор капелласи Мардон Насимов мусиқаси билан янгратиб юборганида орзу-умидларим ҳам бирга ҳаволангандай бўлганди. Сабаби — замоннинг озми-кўпми, ҳар ҳолда, тебраниши натижасида "ҳордиқ ёзган" деҳқонларимиз эндигина янгидан қўлга кетмон олиб, дала атрофидаги ариқларни тартибга келтира бошлаган, ишчилар эса ўз корхоналари дарвозасини янгилашга киришган эдилар. Яхши ният — ярим давлат, дейишади. Кўнгил покиза бўлса, одам боласи ерда жаннат барпо этишга қобил ижодкордир. Ҳа, ижодкор!



**Ватан кўп асрлар, курашлар ҳамда**
**Беҳисоб деҳқонлар ижоди эрур.**
**Уни юксалтирмиш ёруғ оламда**
**Ҳазрат Навоийлар бахш этган ғурур.**

Ризқимизни сочиб қўйган эканми, шеърхонлар билан учрашув, уларга ҳисоб бериш баҳонаси билан республикамизнинг қарийб барча шаҳар-қишлоқларини айланиб чиққанман. Мана, ўша ижодкор халқимиз меҳнати ҳозир ўз мевасини сахийлик билан намоён этаётирки, бир-икки кўрган жойимиз у ёқда турсин, ўзимиз ўсиб-улғайган ерларга бориб қолсак ҳам унинг нақадар кулоч ёйиб, нақадар бўй чўзганига ҳайратланамиз, ёнимизда эски қадрдонлардан биронтаси етакчилик қилмаса, янги кўча, шинам маҳаллаларда адашиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Қурилиш, кенгроқ маънода айтадиган бўлсак, янгиланишлар бетўхтов давом этиб турибди. Қаламкашнинг нони унинг узоқ-яқинда ҳар куни кўриб-билиб турганларидан унади. Мен ўз оиламга дахлдор нарсани тилга оладиган бўлсам, мана, фарзандларимнинг бири ўз талабаларини ёнига олиб, ўтган шанбадан бери байрам олди ҳашарида банд бўлди, Чилонзоримизга янги шукуҳ бахш эта бошлаган "Бунёдкор" стадионини "келинчакдай, тўйига тайёрлади". Оиламизнинг бошқа аъзолари — ўз маҳаллаларида...

2000 йилда қоғозга тушган шеърларимдан бири шундай сатрлар билан тугайди:

**Аста изғириндан қутилиб чаман,**
**Келмоқда дунёнинг ёшариш фасли.**
**Ассалом, йўлимга нурин тўшаган**
**Невараларимнинг беғубор фасли!**

Набиралар асри менга янада тотлироқ лаҳзаларни туҳфа этди. Уларнинг турмуш қурганлари ҳам, ота-она бағрида яйраётганлари ҳам хотиржам, ўз қадрини билади. Ёшига яраша билимдон — олий ёки ўрта. Боғчага қатнайдиганлари ҳам бор. Мен 17 ёшларимда ўзбек ва рус тилларини сувдек шимириб юборардим. Невараларим бу борада мени енгиб, ўзбек ва рус тилларидан ташқари инглизчани ҳам қойил қилишади. Фақат меникилар эмас. Атрофимизда ҳам ўсиш, камолотнинг гувоҳи бўлиб, баттар қувонаман. Уларнинг фарзандлари, яъни чевараларимиз янада ўктам бўлиши шубҳасиз. Тўқлик ҳам, шўхлик ҳам замона тинчлиги билан боғлиқ. Тинчлик эса — ишончли қўлларда.

Ўтган сешанба куни уйимизга газеталар билан бирга бир хушхабар ҳам кириб келди: Унда ўша қўллар — Президентимиз Ислом Каримов қўллари билан имзоланган Фармон эълон қилиниб, "Халқ шоири" деган рукнда менинг ҳам исми-шарифим бор экан: минг раҳмат! Қуллуқ... Бу қутлуғ лаҳзалар ҳаётимдаги энг бахтли, кўнглимдан кечган туйғуларни ифода этишга сўз ҳам танқис лаҳзалар эди. Рафиқамнинг кўзидан қувонч ёшлари отилиб чиқди. Бир пасда фарзанд ва невараларим йиғилиб келишди. Ҳамма хурсанд ва миннатдор. Уларга қараб ўлтириб, ўйлайман: бу гўзал кунларимиз зиёсини айнан мана шулар ва уларнинг невара-чевараларн асраб-авайлаб, келгуси асрга етказиб беришади. Омон бўлишсин дўсту ёрлари билан!

---

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорларнинг энг яхши бадиий асарлари учун таъсис этилган "Ватан ягонадир, Ватан биттадир!" бадиий асарлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.

Танловда наср ва шеърият, бадиий публицистика йўналишидаги энг яхши асарлари учун ғолиб бўлган ёш

**Ёзувчилар уюшмасида**

ижодкорларга фахрий ёрлиқ ва мукофотлар топширилди.

"Бу мукофотга мустақиллик байрамимиз арафасида сазовор бўлганим қалбимга катта қувонч бағишлади. Ёшлигимдан ҳикоя ва қиссалар, пьесалар ёзиб, ижодий изланиб келаман. "Адиб" нашриёти томонидан нашр этилган "Ватан ягонадир, Ватан биттадир!" номли китобга менинг ҳам ҳикояларим киритилганидан бахтиёрман", – дейди ёш ижодкор Ражаб Рўзимуҳаммад.

Тадбирда иштирок этган Иқбол Мирзо, Аҳмаджон Мелибоев, Баҳодир Исо ва бошқа ижодкорлар мукофот соҳибларини табриклаб, уларга ижодий ютуқлар тилади.

**Маҳфуза ИМОМОВА**

---

# ҲУР ДИЁР ТАРОНАСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг кўнгил мулкига айланувчи юксак савияли қўшиқларни яратишни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Танловда ёши, касби, миллати, профессионал тайёргарлик даражасидан қатъи назар, барча хонандаларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва қамровини янада оширмоқда.

Жорий йилда танловнинг республика босқичида 26 нафар хонанда ва 6 жамоа иштирок этди. Танловда асарларнинг бадиий матни, мусиқасининг ўзига хослиги, ижтимоий аҳамияти, хонандаларнинг маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов шеъри, Шавкат Мирзаев мусиқаси билан ижро этилувчи "Зафар таронаси" қўшиғи учун Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевага берилди.

Иккинчи ўринга Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси билан Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ижросидаги "Менинг Ватаним" қўшиғи ҳамда Гулистон Давлатова шеъри, Нажиматдин Муҳаметдинов мусиқаси билан Нукус шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги "Квартет" гуруҳи ижросидаги "Она ер" қўшиғи лойиқ топилди.

Учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Оҳунжон Ҳакимов шеъри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов ижросидаги "Бир диёр бор!" қўшиғи ҳамда Яхшигул Ҳидирова шеъри, Насиба Сатторова мусиқаси билан хонанда Севара Жўраева ижросида айтилувчи "Ватанимсан" қўшиғи учун берилди.

**ЎзА**

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

**Бугун мустақил Ўзбекистон балоғатга етган ҳамиятли ва ҳимматли йигитдай ҳеч кимга бўйин букмай, ўз халқининг куч-қудратига, бунёдкорлик салоҳиятига таяниб дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб келаётганига 21 йил бўлди. Таълимдир, тиббиётдир, иқтисоддир ёки маданиятди, — қайси бир муҳим жабҳани олиб қараманг, — Ўзбекистоннинг самарали тажрибалари кўпларга ибрат сабоғи бўлаётгани ифтихоримиздир. Дунё миқёсида бундай эътибор ва эътирофга сазовор давлат сифатида халқаро майдонда қад ростламоқ, бўй кўрсатмоқ осон эмас. Юз йилдан ортиқ бир муддат мобайнида истибдод исканжасида тўлғонган, фидойи фарзандлари бутун жамиятни тубдан ислоҳ қилиш эҳтиёжини чуқур англаб, шу эҳтиёж рўёби учун ўлимга тик боққан бир юртнинг икки ўн йиллик нари-берисидаги бу шижоатли одимлари беҳад улкан жасорат ва машаққат, мардона меҳнат маҳсулидир.**

Юртни озод ва тараққиёт пиллапояларида кўрмоқни умрининг мазмуни деб билган жадид боболаримиз таълим ва илм-фаннинг жиддий ва жадал ислоҳига фавқулодда айрича аҳамият берганлар. "Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси" (Б.Қосимов) Маҳмудхўжа Беҳбудий 1914 йилда, миллат қайғуси билан куйиб-ёниб, ёшларга шундай мурожаат қилганди: "Муҳтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндурки, макотиб – тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат, энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтирмагунча тараққий йўлиға кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. "Муборизаи ҳаёт" майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳв ва нобуд бўлуб кетар". Беҳбудий 1913 йилдаги бошқа бир мақоласида "эҳтиёжи миллат" ҳақида дард-алам билан гапирар экан, "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур" дейди, "мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозим"лигини таъкидлайди.

Бугун ҳур юртимизнинг дадил одимлари ана шундай ислоҳотларнинг мунтазам, муттасил ва, энг муҳими, олдиндан чуқур ўйланган, аниқ тасаввур қилинган ҳолда амалга оширилганлиги натижаси эканлигини мамнуният билан таъкидламоқ жоиз. Юртбошимиз истиқболимизнинг теран ва тиниқ тарҳларини ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ, ҳали қизил марказ жон бериб бўлмаган таҳликали бир даврда аниқ ва равшан чизиб берган эди. Давлатимиз раҳбарининг 1990 йилнинг 4 августидаги катта бир йиғинда сўзлаган нутқида шундай дейилган: "Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак".

Бундан 22 йил бурун кун тартибига қўйилган бу эзгу ғоя асосида мустақилликка эришилгач,



Пойтахтимиздаги Маърифат маркази ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мажмуи.

бир қанча долзарб дастур ва ҳужжатлар, хусусан 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилинди. Бу дастурларнинг бажарилиши натижасида қўлга киритилган конкрет ютуқлар барчамизнинг кўз ўнгимизда, ҳатто хорижликлар ҳам уларга ҳавас билан қарашмоқда. Ёшларимиз мактаб, лицей, коллеж ва олий мактабларда яратилган замонавий шароитлар ва кўрсатилаётган ғамхўрликлардан унумли фойдаланиб, билим ва касб-ҳунар асосларини пухта эгаллаб, ўз қобилиятларини юртимизда ҳам, мамлакатимиздан ташқарида ҳам намойиш этиб келмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, илгари таълим тизимининг турли босқичларида қўлланилган, тегишли қолиплар асосида яратилган дарсликлар бугун тарихга айланди. Қайси фан бўлишидан қатъи назар, барча дарсликлар ўз менталитетимиз ва даврнинг холис талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилди, дарсликларнинг тамоман янги авлоди барқарорлашди, уларнинг аксарияти бир неча бор қайта нашр қилинди. Масалан, "Она тили" дарсликларини оладиган бўлсак, табиийки, уларда бошқа тил қолиплари асосидаги талқинлар мутлақо мавжуд эмас. Бу дарсликларда ўзбек тилининг тирик таровати, юксак бадиий қуввати ва теран миллий мантиғи тўла ўз аксини топган, чинакам миллий ғоя моҳияти билан йўғрилган. Фарзандларимиз бугунги югурик ва глобал замон талабларига мувофиқ равишда хорижий тилларни катта иштиёқ билан ўрганмоқда. Ёшларимиз чет тилларининг ғаройиб дунёсига она тилининг муҳташам эшикларидан кирмоқда, бунинг учун бугун кўплаб икки тилли луғатлар (ўзбекча-инглизча, ўзбекча-французча каби) яратилган. Ўзбек тилида ҳам, бошқа хорижий тилда ҳам ўз фикрини лўнда ва бурро баён қила биладиган фарзандларимиз сонининг кундан-кунга ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Буларнинг бари мустақиллигимиз самаралари силсиласидаги бақувват ҳалқалардир, албатта.

Маънавий-маърифий ислоҳотлар истиқлолимизнинг бошиданоқ юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилинган. Зотан, Юртбошимиз мустақилликка эришишдан олдинги даврда бу йўналишдаги ишларнинг аҳволи ҳақида Ўзбекистон Фанлар академиясида 1989 йил 28 ноябрда бўлган учрашувда сўзлаган нутқида катта дард билан шундай деганди: "Биз тарихий анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур. Яширишга ҳожат йўқ, биз шубҳали шиорларга берилиб, маънавий маданиятимизни озиқлантириб турган илдизларни қирқиб ташлашга ўнлаб йилларни сарфладик. Ҳозир бунинг оқибатларини сезиб турибмиз".

**Ифтихор**

Биргина мисол. Маънавий маданиятимизни озиқлантириб турган илдизлардан бири, шубҳасиз, фолклордир. Ўша пайтларда "Ўзбек халқ оғзаки ижоди" кўп жилдлиги нашр этила бошлаганди, аммо мавжуд тузумнинг бу ишларга рағбатсизлиги туфайли унинг нашри тамоман тўхтаб қолганди. Хайриятки, мустақиллик боис ўзбек халқ оғзаки ижоди ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди, Ўзбекистон ҳукумати белгилаган тадбирлар режасига мувофиқ ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари"нинг 100 жилдлигини тайёрлашга киришдилар.

Юртбошимиз мазкур мажлисда яна бир нарсага олимлар эътиборини қаратган эди: "Жамиятшунослар Ўзбекистон тарихининг кўпгина саҳифаларини қайта битишлари, чунончи, чоризм йилларида Ўрта Осиё халқларининг миллий-озодлик ҳаракати, 1920 – 1930-йиллардаги адабий-ғоявий жараёнлар, коллективлаштириш ва бошқа ҳодисаларга ҳужжатлар асосида назар солишлари керак. Беҳбудий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг ижоди ва дунёқарашини ҳам теран ва холис тадқиқ этиш зарур бўлади". Мустақиллик шарофати билан бундай савобли ва зарурий ишларни кўламли бир тарзда амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг янги ва яхлит тарихи саҳифалари юзага келди. ХХ аср ўзбек адабиётининг холис ва ҳаққоний манзараси чизилди, бу манзара мутахассислар томонидан, асосан, эътироф этилди. Тил ва адабиёт институти олимлари Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш устида жиддий тадқиқот олиб бормоқдаларки, бу ишлар халқимизга мазкур улуғ адибларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида тўғри ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради...

"Бешикдан қабргача илм изла", деган муқаддас ҳадис бор. Илм ва олимнинг мартабаси ислом фалсафасида ҳам, дунёвий фалсафада ҳам ҳамиша юксак тутилган. Албатта, ҳар қандай жамиятнинг бирламчи ҳаракатлантирувчи кучи илм-фандир. Ёшларни билимли-илмли қилиб тарбиялашга, уларнинг ичида иқтидорлиларини илм-фанга кўпроқ ва эртароқ жалб қилишга мамлакатимизда алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Президентимизнинг 2012 йилнинг 24 июлида имзолаган "Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароит яратиш мақсадини кўзда тутади. Бу Фармонга кўра, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб илмий даража беришнинг бир босқичли тизими жорий этилади, яъни олий ўқув юртидан кейинги таълим фан доктори даражаси учун диссертация ҳимояси билан якунланади. Бундай тизим халқаро стандартларга мослигидан ташқари ёшларнинг тезроқ катта фан оламига кириб боришига имкон беради. Бу ислоҳот ҳам тез орада ўзининг ижобий самарасини кўрсатади, фанимиз тараққиётини тезлаштириш ва республикамиз илмий салоҳиятини ёшлар ҳисобига кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳурликнинг мусаффо эпкинлари оғушида яшаётган Ватанимиз халқимиз асрий эзгу орзуларининг том маънодаги ижобатгоҳи сифатида шу юртдаги ҳар бир фуқаронинг тақдири ва бахтидир. Унинг дунё аҳли нигоҳидаги ўктамлиги ва ҳавасга пайвасталиги сизнинг, менинг, барчамизнинг фахру ифтихоримиздир.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

# ҲАССОС ОЛИМ ОЛАМИ

Илм олмоқни игна билан қудуқ қазишга қиёслайдилар. Дарҳақиқат, илм кишидан истеъдоддан ташқари тунларни бедор ўтказиб, ҳузур-ҳаловатдан воз кечмоқни, сабр-бардош, куч-қувват, фидойилик ва матонатни талаб этадики, шу жиҳатларга эга бўлган шахсгина унинг нурли чўққиларга чиқиши мумкин. Бундай ютуққа эришганлардан бири устоз-мураббий, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов ибратли ижод йўлини босиб ўтди. ХХ аср ўзбек адабиёти, адабиёт назарияси, адабий танқидчилигимизни бойитувчи кўплаб фундаментал тадқиқотлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-ижодий ва маърифий фаолияти билан илм дарғалари қаторидан муносиб ўрин эгаллади.

**Доимий ҳамроҳ**

Академик Бахтиёр Назаров ҳамда Шоира Аҳмедованинг "Фан" нашриётида чоп этилган "Миллатнинг ҳассос олими" рисоласи атоқли адабиётшунос ва мунаққид Наим Каримов ҳаёти ва ижод йўли тадқиқига бағишланган. Муаллифлар китобда олимнинг таржимаи ҳоли, фаолияти, ижодининг барча қирраларини тўлалигича қамраб олишни мақсад қилмаганлар. Зеро, бир рисола доирасида бунинг имкони ҳам йўқ. Шу боис улар Наим Каримовнинг китобхонларга бир қадар номаълум бўлган таржимаи ҳоли, асарларининг ёзилиш тарихи, ижодининг ўзига хосликлари, етук мутахассис бўлиб вояга етишига таъсир кўрсатган омиллар ҳақида маълумот беришни мақсад қилиб қўйганлар.



Рисоладан биз ҳассос олимнинг ХХ асрнинг 50-йилларида "Шавкат" тахаллуси билан шеърлар ёзганини билиб оламиз. Австралиялик немис драматурги Ф.Дюренматнинг "Бир эшак ҳангомаси", араб драматурги Тавфиқ ал-Ҳакимнинг "Ғаройиб оқшом" ва бошқа драматургларнинг пиесаларини ўзбек тилига таржима қилганидан хабардор бўламиз. С.Айнийнинг машҳур "Судхўрнинг ўлими" асари асосида инсценировка тайёрлаб, "Бухоройи шариф" номи билан саҳналаштирганини, Якуб Коласнинг "Талаш бобо" ("Трясина") романи, С.Алёшиннинг "Муҳаббат жилвалари" пиесасини, С.Маршак, А.Исаакян, А.Кулешов асарларини ўзбекчалаштириб чоп эттирганидан воқиф бўламиз. Рисолада ёзилишича, фидойи ижодкор шўро тузуми қатағонига учраб ноҳақ бадном этилган кўплаб зиёлиларнинг номларини оқлаш учун Қозон, Москва, Санкт-Петербург кутубхоналарида, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Қўқон архивларида ишлаган, Усмон Носирнинг изларини ахтариб Кемерово вилоятининг Суслова қишлоғига бориб, шоир "шахсий дело"си билан танишган.

Дарҳақиқат, олимнинг "Маҳмудхўжа Беҳбудий", "Чўлпон", "Миллатни уйғотган шоир", "Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шоҳимардоннинг қора баҳори", "Ойбек", "Ойбек ва Зарифа", "Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари", "Ойбек гулшанида қолган ғунчалар", "Ҳамид Олимжон", "Қурбон Берегин қисмати", "Мақсуд Шайхзода", "Усмон Носир", "Усмон Носирнинг сўнгги кунлари", "ХХ аср адабиёти манзаралари" каби асарлари ана шундай изланишлар натижаси сифатида майдонга келиб, адабиётшуносликни янги босқичга кўтарган тадқиқотлар қаторида илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. Рисолада олимнинг адабиётшуносликнинг қайси долзарб масаласи ҳақида фикр юритилмасин янги гап айтишга, янгича ёндашувларни тақдим этишга эришгани қатор мисоллар, нозик кузатишлар асосида кўрсатиб берилган. Наим Каримовнинг ойбекшунослик ривожига қўшган улкан ва беқиёс хизматлари ҳам назирий, ҳам амалий жиҳатларда кўзга ташланиши кенг ёритилган.

Китоб масъул муҳаррири академик Т.Мирзаев, сўзбоши муаллифи таниқли ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад.

**Акбарали САБИРДИНОВ,**
**филология фанлари**
**доктори**

# АСЛИЯТГА ТЕНГЛАШИШ ЙЎЛИ

**Таниқли болгариялик таржимашунос Сидер Флориннинг рисолаларидан бири "Муки переводческие" ("Таржима машаққатлари"), деб номланган. Унда олим таржима муваффақиятида истеъдоднинг улуши икки фоиз, қолган тўқсон саккиз фоизи эса ижодий меҳнат маҳсули эканини мисоллар билан далиллаган. Зеро, устоз олим Ғайбулла Саломов таъкидлаганидек: "...таржимонда ёзувчи ва танқидчи, актёр, рассом, бастакор ва олим меҳнатидан нимадир бор.**

Бу шундан иборатки, таржимон лингвист бўлиб лисоний манбани таҳлилдан ўтказади, актёр сингари бировнинг қиёфасига киради ва айни вақтда ўзлигини сақлайди, ўзи ўгираётган нарсага ва, айниқса, ўз меҳнатига танқидий назар билан қарайди, таржима қилинаётган аслиятни яхлит ҳолда ҳамда бўлакларга бўлиб бир неча маротаба (керакли жойда овоз чиқариб!) ўқийди, "ўлик" матн орасидан муаллифнинг сиймосини ва қалбини қидиради". Хуллас, таржима игна билан қудуқ қазишдек оғир иш. Шунинг учун ҳам бу масъулиятни бўйнига оладиганлар кўп эмас. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда адабиётга, шу жумладан, бадиий таржима соҳасига берилаётган эътибор туфайли мутаржимларнинг янги авлоди етишиб чиқаяпти. Эндиги вазифа жаҳон адабиёти намуналарини фақат аслиятдан ўгириш ҳамда мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга ағдариш экани ҳаммамизга маълум.

**Тақриз**

Лекин яна бир соҳа борки, уни ривожлантирмай туриб таржимонликнинг тараққиёти ҳақида гапириш ортиқча. Бу таржима танқидчилиги соҳасидир. Таржима — бадиий асарни қайта яратиш. Таржима аслиятдаги муайян эстетик юкни юқори савияда бериши, шу билан бирга, унинг қадр-қимматини тушириб қўйиши ҳам мумкин.

Таржима танқиди эса таржима сифатини, унда аслиятнинг ғоявий-эстетик ва бадиий ўзига хослигини таъминлаш даражасини, энг асосийси таржимон маҳорати масалаларини ўрганади. Таржимон ва танқидчининг самарали фаолияти уларнинг таржима назарияси ва амалиёти бўйича қай даражада билим ва малакага эга бўлишига боғлиқ.

Газетанинг 2010 йил 8-сонидаги мақоласида таниқли таржимон ва олим Иброҳим Ғафуров шундай ёзганди: "Ўн йилдан бери "Жаҳон адабиёти" журнали чиқади. Қанчадан-қанча жаҳон адабиётининг жуда қимматли намуналари ўзбек тилига ағдарилди. Лекин уларнинг таҳлили йўқ". Демак, таржима танқидчилиги соҳасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Улардан бири бадиий таржима назарияси, амалиёти ва таҳлилига доир илмий қўлланмаларнинг етишмаслигидир. Шу маънода филология фанлари доктори Шуҳрат Сирожиддинов ва тадқиқотчи Гулноза Одилованинг "Бадиий таржима асослари" монографияси (Тошкент, "Mumtoz so`z" нашриёти, 2011) айни муддао бўлди. Мазкур рисолада забардаст таржимашунос олимлар Л.Бархударов, А.Федоров, А.Попович, В.Виноградов, В.Комиссаров, Е.Бреус, Н.Пелевина, Ю.Катлуер ва А.Кунининг дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларида илгари сурилган концепция ва услубиятдан ижодий фойдаланилган. Шунингдек, турли шеърий ва насрий асарлар таржимаси аслият билан қиёслаб таҳлил қилинган.

Назарий ва амалий қисмлардан ташкил топган ушбу китобнинг Ш.Сирожиддинов ёзган биринчи қисмида бадиий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари, таржимон вазифалари, таржима моделлари, бадиий таржима усуллари, унда эквивалентлик ва адекватлик масалалари, таржимон билимларининг ўрни каби соф назарий масалалар ёритилган.

Таржима тарихини кузатадиган бўлсак, бадиий таржимашуносликда икки хил ёндашув — тилшунослик ва адабиётшунослик йўналиши борлигини пайқаймиз. Тилшунослар таржима қонуниятларини лексик, грамматик ва матний мувофиқликлар ичидан излайдилар. Адабиётшунослар эса, асосий эътиборни матннинг ғоявий-эстетик ва бадиий сифатига қаратадилар. Рисоланинг илк бобида Ш.Сирожиддинов сўнгги йилларда жаҳон таржимачилигида бу икки йўналиш уйғунлашиб кетаётганини таъкидлайди. Олим бадиий таржима жараёнини аслият матнини ҳис этиш ва қайта яратиш босқичларига бўлади. "Таржимоннинг ўзи биринчи навбатда ўқувчидир. У матнни тушунибгина қолмасдан, балки унинг образли ва ҳиссий таъсирини ўзида сезиши лозим", деб ёзади муаллиф.

Кўпинча таржимонлар "эквивалентлик" ва "адекватлик" тушунчаларини чалкаштиришади. Ш.Сирожиддинов бу атамаларни қуйидагича изоҳлайди: "Таржима матнининг аслиятга нисбатан ҳар жабҳада яқинликка эришиши эквивалент таржима дейилади... Адекват таржима эквивалентликнинг олий даражаси бўлиб, унда аслиятнинг жанрий-стилистик талаблари, барча лисоний ва ғайрилисоний (экстралингвистик) омиллар ҳисобга олинган, максимал даражада ҳиссиёт ва аслият руҳи сақланган бўлади. Ҳар бир адекват таржима, албатта, эквивалент бўлади, аммо ҳар бир эквивалент таржимани адекват деб бўлмайди".

Аслиятда баён этилаётган образлар, воқеалар, турли жой ва буюм номларини, маданият, санъат, дин, урф-одатлар билан боғлиқ атамаларни имкон қадар тўғри ўгириш таржимондан тарих, диншунослик, ўлкашунослик, фалсафа, тасвирий санъат ва бошқа қатор соҳаларни билишни талаб этади. Бундай билимлар мажмуасини рус таржимашунослари "фон билимлари" деб атайди. Ш.Сирожиддинов эса, ўзбек тадқиқотчиларига буларни "маънавий билимлар", деб аташни тавсия қилади. Шунингдек, олим бадиий таржимадаги транскрипция, калькалаш, лексик-семантик алмаштирув каби усуллар ва моделлар ҳақида батафсил фикр юритган.

Рисоланинг тадқиқотчи Г.Одилова томонидан ёзилган иккинчи қисми бадиий таржиманинг амалий жиҳатларини ёритишга бағишланган. Ушбу қисмда таржима амалиётчилиги соҳасида ҳазрат Алишер Навоий асарларининг Л.Кметюк ва К.Маъмуров томонидан амалга оширилган инглизча таржималари аслият билан қиёсланиб таҳлил этилган, ютуқ ва камчиликлари кўрсатилган. "Алишер Навоий асарларининг классик услуби ва оҳангини бошқа тилда қайта яратиш учун ўша тилнинг Навоий замонасига паралелл давридаги сўзлар луғатидан фойдаланиш самарали натижа беради", деб ёзади Г.Одилова. Тадқиқотчининг фикрича, Навоий бадииятини хорижий тилда муносиб акс эттириш учун инглиз таржимонида Навоийни ҳис этиш инстинктини шакллантириш лозим. Бунинг учун улуғ адиб асарларининг инглизча изоҳли луғатлари, Навоий образлари генезиси, шарқона шеърий санъатлар, оҳанг ва қофия ҳақидаги илмий адабиётларнинг инглизча таржималарини яратиш, атоқли навоийшуносларнинг адиб ғазалларига шарҳларини тўплаб таржима қилиш керак. Шундагина Навоий бадииятини бус-бутунлигича хорижий тилда тарғиб этиш мумкин.



Шунингдек, китобнинг иккинчи қисмида тадқиқотчи А.Чўлпон, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Ю.Шомансур, И.Ғафуров, Ж.Камол, Э.Носиров, М.Мирзо ва бошқа мутаржимларнинг, асосан, рус тили орқали амалга оширилган таржималарини ҳам аслият билан солиштириб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатади. Г.Одилованинг фикрича, асарни бир тилдан бошқасига ўгириш жараёнида аслиятнинг тахминан етмиш беш фоизигина сақланиб қолади. Агар шу таржима учинчи бир тилга ҳам ўгирилса аслият жозибасининг ярми ҳам қолмайди. "Демак, бадиий таржиманинг яна бир талаби бу воситачи тил ёрдамидан имкон қадар воз кечиш. Бунинг иложи бўлмаган ҳолларда аслият таржимонининг ўгириш услубини ўрганишдир", деб ёзади муаллиф.

Г.Одилова бир ўринда воситачи тил орқали қилинган шеърий таржиманинг аслиятга адекватлик даражасини аниқлаш учун мисраларни таркибий қисмга ажратиб сўз туркумларининг умумий сонини санайди. "Сунъий номувофиқлик асосан феъл, сифат, равиш каби сўз туркумларининг тушиб қолишида намоён бўлади. Феълларнинг камайиб кетганлиги аслиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг таржимада саёзлашувига, гап услубининг бузилишига олиб келса, сифатларнинг камайиб кетиши муаллиф томонидан ишлатилган ташбеҳларнинг камайишига олиб келади", деб ёзади тадқиқотчи.

Мутаржимлар кўпинча таржима назариясини ўрганишга ҳафсала қилишмайди. Бу соҳадаги тилшуносликка доир турли атамалар кимнидир чўчитса, бошқа бировни зериктиради. Оқибатда "Бу мужмал қоидаларнинг бадиий таржимага алоқаси йўқ", деган баҳона билан илмий китоблар четга сурилади. Балки назарий йўл-йўриқларнинг ҳаммаси ҳам таржима ишида қўл келмас. Лекин шуниси аниқки бадиий таржима назарияси мутаржимни синалган усулларни қўллашга, аниқлик ва бадиий эркинлик ўртасидаги меъёрни сақлашга ўргатади. Соҳадаги халқаро тажрибадан хабардор қилиб, унинг билимини оширади. Энг муҳими, таржимонни ўз ишига танқидий кўз билан қарашга, қўлёзмани қайта-қайта таҳрир қилишга ундайди. Не-не машаққат билан ўгирилган асарни таҳрирдан ўтказиш биринчи навбатда таржимоннинг иши. Зеро, Г.Одилова ёзганидек, "Зар қадрини заргар билади".

**Алишер ОТАБОЕВ,**
**Жаҳон тиллари университети**
**тадқиқотчиси**

# ВАТАН, ИСТИҚЛОЛИНГ МАНГУ БАРҲАЁТ!

**“Ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди. Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди.**

**Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди”.**

“Юксак маънавият — енгилмас куч” китобидан.

### Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

## ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАС



* * *

Ватан ва аҳли диёрни қадри мусофиротда маълум бўлур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасға ва ўлгунча айрилмасға керакдур.

***«Қасди сафар», 1915 йил.***

* * *

Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдуғонларни “қул” — “марқуқ” дерлар.

***«Садойи Фарғона», 1914 йил.***

* * *

Бизлар ўлимдан қўрқмаймиз. Балки ҳақ йўлида ўлмакни ўзимиз учун бир шараф деб биламиз.

***«Васиятнома», 1922 йил.***

* * *

Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади.

***«Ҳақ олинур, берилмас», 1914 йил.***

* * *

Барча илму фан истилоҳ ва луғатларига туркчадан муқобил охтариб вақтни зое этмайлук. Тараққий этган туркий шевалардаги илмий ва фанний китобларни англамоқға саъй ва ғайрат этайлук. Келар замон учун ҳозирланайлук, ўтган замон учун эмас.

***«Тил масаласи», 1915 йил.***

* * *

...Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар!

***«Васиятнома», 1922 йил.***

### Абдулла АВЛОНИЙ

## МЕН КЕТСАМ-ДА, СЕН БЎЛ ОМОН!



Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур.

* * *

Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шу кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

Биз, туркистонлилар, ўз ватанимизни жонимиздан ортуқ суйдиғимиз каби араблар Арабистонларини, қумлик, иссиғ чўлларини, аскимўлар Шимол тарафларини, энг совуқ, қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб хижрат қилурлар эди. Боболаримиз "Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл" — демишлар.

* * *

**Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,**
**Банго на қам қолур, авлодима ўю ватаним,**
**Ғубора дўнса таним, йўқ вужуди зери ваҳм,**
**Чароки, ўз ватаним ҳокидир гўри кафаним.**
**Туғуб ўсон ерим ушбу ватан, вужудим ҳок,**
**Ўлурса, аслина рожеъ ўлурми ман ғамнок?!**

***«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», 1914 йил.***

* * *

**Ўтар кунлар, ўтар замон,**
**Эй, Ватаним, бўлма ҳижрон!**
**Мен кетсам-да, сен бўл омон!**
**Омон — Ватан, Ватан — омон!**

***«Мактаб гулистони», 1916 йил.***

### Абдурауф ФИТРАТ

## ВАТАН — МЕНИНГ САЖДАГОҲИМДИР



Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Дунёни “урхо”лар билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдур?.. Нечун чекинмишлар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар!?

* * *

Ғамли она — муқаддас Турон.

* * *

Устимга илонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопаман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман.

* * *

Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман!

Ўлим сенинг ўлиминг истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!

* * *

Ватан — у менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур.

***«Юрт қайғуси», 1918 йил.***

* * *

Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди. Шарафимиз емурулди. Номусимиз ғасб қилинди. Инсонлиғимиз оёғлар остиға олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйсундик. Ёлғуз бир фикрни бермадук, ёшунтурдик, имонларимизға ўраб сақладук. Бу — Туркистон мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртғуч жандарманинг тепкуси билан йиқилғонда, юртларимиз ёндурулғонда, диндошларимиз дорға осилғонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузулди. Кўзимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсани кўролмадук. Шул чоғда тушкун руҳимизни кўтармак учун шул қопқоронғу дунёнинг узоқ бир ерида ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди.

Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? — Туркистон мухторияти!

***«Мухторият», 1917 йил.***

* * *

Эй, бечора миллат! Буларнинг барчаси мажбуран шаръийлаштирилган ҳуқуқлар бўлиб, сен ана шу зўравонлар — қонингни сўрувчи, хонумонингни кўкка совурувчи, шараф ва номусинг бунёдига ўт қўювчи кишиларга тарафдорсанки, ҳали буни тушунмайсан! Наинки тушунмайсан, балки бу масалани англаб етган, аҳволингни жиддий ислоҳ қилишга ҳаракат қилаётган, кўп маблағларни эл учун сарфлашга интилаётган бир донишманд жамоани кофирлар қаторига қўшасан. Афсус! Афсус!

***«Чин сайёҳи баёноти», 1912 йил.***

* * *

Сабот ва чидамдан бошқа нарсаси бўлмаган миллатнинг ҳамма нарсаси бўлиши мумкин ва сабот-матонатдан бошқа ҳамма нарсаси бўлган миллат ҳеч нарсасиз қолиши мумкин. Бир одамнинг саботи буюк бир миллатни ислоҳ қилишга қодир.

* * *

Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир.

***«Ойна» журнали, 1915 йил.***

* * *

Ўз кучига ишонмаган эл кураш майдониға киролмас, кирса ҳам йиқилур.

Ишонмаганлар ишонганларни енга олмаслар.

...Ҳокимият Ватан ва миллат вужуди билан боғлиқдур. Агар миллат маҳв этилиб, ватан хароб бўлса, на биз ҳоким бўламиз, на подшоҳ.

* * *

Инсон — мажуслик ё мусулмонликка қарамайдир.

***«Мунозара», 1911 йил.***

* * *

Башарият тараққиётга қодир ва юксалаверади ҳам.

***«Раҳбари нажот», 1915 йил.***

* * *

Адабиёт, шеър торлиқни истамайдир, торликда ўсмайдир.

***«Шеър ва шоирлик», 1918 йил.***

* * *

Ислоҳ этувчилар тоифаси учун саботдан бўлак асл қурол йўқ. Саводсизлик заҳри қотилдирки, ҳар бир миллатнинг танглайига тушса, димоғидан тутун бўлиб чиқади.

***«Жоҳилона таассубға мисол», 1917 йил.***

* * *

Биз зулмга қарши ҳар ким билан бирлашурмиз.

***«Бизда йигитлик», 1918 йил.***

* * *

Тириклик тебраниш демакдир. Турғунлик эса ўлимдир. Ернинг, кўкнинг юлдузлари билан қуёшнинг борлиқлари тебраниш узра қурилғондир. Тебранмагач буларнинг бари йўқдир. Турон сандуғоч (булбул)имиз шу тоғлар, булутлар каби югурмоқдадирлар. Бутун дунё тебранар экан, сизнинг тебранмай туришингиз бўлурми? Тирик экансиз, тебранурсиз. Тебранмас экансиз, ўларсиз.

***«Иждиҳод ва тараққий», 1914 йил.***

### Абдулҳамид ЧЎЛПОН

## МЕНДА-ДА ҚАНОТ БОР...

**Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг ватан,**
**Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.**

**Бу ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,**
**Кимки қасд қилса анга, кийсин пушаймондин кафан!..**

***«Соз», 1935 йил.***

* * *

**Эй, совуқ эллардан муз кийиб келганлар.**
**У қўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсун!**
**Эй, меним боғимдан мевамни терганлар,**
**У қора бошингиз ерларга кўмилсун!**

***«Хазон», 1923 йил.***

* * *

**Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,**
**Нима учун бошингда қуюқ булут кўланка...**
**От минганда қушлар каби учгувчи,**
**Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,**
**От минганда учар қушни тутгувчи,**
**Учар қушли ёш йигитлар қаерда?**
**Тоғ эгаси сор бургутлар қаерда?**

***«Булоқлар», 1923 йил.***

* * *

**Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,**
**Ўйнаган бошқалар, инграган менман,**
**Эрк эртакларини эшитган бошқа,**
**Қуллик қўшиғини тинглаган менман.**

**Бошқада қанот бор, кўкка учадир,**
**Шохларга қўнадир, боғда яйрайдир —**
**Сўзлари садафдек, товуши найдек**
**Куйини ҳар ерда элга сайрайдир.**
**Менда-да қанот бор, лекин боғланган.**
**Боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор:**
**Сўзлари садафдек, товуши найдек**
**Куйим бор... уни-да деворлар тинглар...**
**Эркин бошқалардир, қамалган менман,**
**Ҳайвон қаторида саналган менман...**

***«Уйғониш», 1922 йил.***

* * *



Адабиёт ҳар бир миллатнинг ҳисли кўнгул тарихининг энг қоронғу хоналарида маишат (тирикчилик)нинг кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда етишган, файзли тил бирла тақдир этула олмайдирғон бир гулдир. Ушбу яшадигимиз муҳит доирасинда анинг тўлқуни одамнинг ҳар хил маишатига қараб ўзгарадир.

* * *

Адабиёт яшаса, миллат яшар. Адабиёти ўлмағон ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етишдирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас, инкор қилғон миллат ўзини инқирозда эканин билдирур.

* * *

Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдирғон, ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви бўлғонликдан бизга ғоят керакдир.

Ҳозирда бизга бирдан-бир лозим бўлғон нарса — адабиёт, адабиёт, адабиёт...

***«Адабиёт надир?», 1914 йил.***

### Мунавварқори АБДУРАШИДХОНОВ

## ...БИРИНЧИ ДАРВОЗА МАКТАБДУР



Бутун дунёдаги ҳурриятчилар орасида бир сўз бор: Ҳуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олиб бўлмас, фақат қон ва қурбон илагина олиб бўлур. Ҳазрат Одам Атодан шу вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатга ҳурриятнинг берилгани, қон ва қурбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайдур. Балки ҳар замон ва ерда ҳуррият берилмаган, олинган ҳам кўп ва қурбонлар баробаригагина олинган...

* * *

Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси мактабдур. Ер юзидаги маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият боғчасига шу дарвозадангина кирмишлар, яъни маориф ва маданият йўлина сафар проғрами ясаганда биринчи моддасина шул “мактаб очмак” масаласини қўймишлар, ишларни шул “мактаб”дангина бошламишлар.

***«Мактаб ва маориф», 1918 йил.***

### Аваз ЎТАР

## ҚАБИҲ ОНЛАРДА ЭРКНИ КУЙЛАДИМ

**Сиёсат маҳв бўлди, яшасун оламда ҳуррият,**
**Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат.**

**Тараққий айламак лозим жаҳон аҳли бўлиб бир тан,**
**Билурга барча илм ила ҳунарни яшасун миллат!**

**Жаҳон аҳли, мангу сизсиз севукли жон азизимдин,**
**Эрурмиз бир-биримизга ёқин гўёки бир ихват.**

**Очиб ҳар навъи мактаб эмди ҳимматни қилиб олий,**
**Ватанни қилғоли обод лозим айласак ғайрат.**

* * *

**Мени ёд этгай авлодим, мозоримни ўраб гулдин,**
**Ишончим шундадир, бўлғай мозорим бир зиёратгоҳ.**

**Қабиҳ онларда эркни куйладим, дўстлар биродарлар,**
**Эзилган элга бўлғай бу замон иқбол ёруғ боргоҳ.**

* * *

**Эйки, мунча зулм ила миллатни айларсан хароб,**
**“Лоюҳиббуз золимин!” деб тангри қилғонда хитоб.**

**Дам-бадам бедоду жабру айриликлар айлабон,**
**Солма мазлум элни кўнглига мунингдек изтироб.**

**Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон,**
**Оқибат бир кун анга масъул бўлуб бергунг жавоб.**

**Бор умидим, тездин бўлғуси ҳуррият куни,**
**Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.**

***Шоир «Девон»идан. XIX аср охири XX аср боши.***

### Абдулла ҚОДИРИЙ

## НАЖОТИМИЗ ЙЎЛИ



Модомики, ўз ғараз йўлида истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлгувчилар йўқотилмас эканлар — бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтказиш нажотимизнинг йўлидир!

* * *

Иттифоқни нелигини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизға ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирған бўлсак, яқиндирки, истибдод ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак, ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрис бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширғувчи — биз, кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси — мафдун Туркистонимизни тўнғузхона қилишға ҳозирланғон биз, итлар ятратғучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилғувчи золимлар қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишиға нишонадир, ўғлим!..

***«Ўткан кунлар»дан, 1925 йил.***

* * *

Яхши билиш керакки, қаләм — ўқлоғи ва матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирға келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилған ғишт бўлсин, кўбчилик хумдонидан пишиб чиқғач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак.

***«Ёзишғучиларимизға» мақоласидан, 1926 йил.***

### ТАВАЛЛО

## МИЛЛАТ БОЛАСИ САЙРАСИН БУЛБУЛ КАБИ



**Биз қачон аҳли ватанлар, иттифоқ айлошамиз?!**
**Тарк этиб бизлар хусумат, яхшилик ўйлошамиз?!**

**Болта чопуб биз юрусак ўз аёқға, дўстлар,**
**Бир кун ўлғай, бир-биримиз отимиз чайношамиз.**

**Иттифоқда тарғиб айла бу ватан авлодини,**
**Бўлмаса бир кун Таваллo, суд йўқ, йиғлошамиз.**

* * *

**Мовароуннаҳрдур тарихда бизларга ватан,**
**Арзиғай бизлар сенга хизматда бўлсак жону тан.**

**Эй ватан, эзгу ватан, афв айла, қадринг билмадук,**
**Энди билдук, бош кўтардук кўрки, бизлар уйқудан.**

**Белни боғлаб хизмат айлаб, мақсадингни боғида**
**Биз юлуб ташлаб турармиз, ҳеч ундирмай тикан.**

**Боғ аро миллат боласи сайрасун булбул каби,**
**Тез жаҳолатдин жўнасун, анда қолмасдин зағам.**

**Кеч гуноҳини Таваллони, ватан, эзгу ватан,**
**Билди аслинг, қилди васфинг, бу ватандандур бадан.**

* * *

**Эй қўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,**
**Бўлма хушнуд, эй дилим, миллат ғамин ғамлашмасанг.**

***«Равнақи ислом» тўпламидан, 1916 йил.***

### Усмон НОСИР

## БОҒИМ



**О, у қандай фусункор!**
**Нур билан тўлган бутун.**
**Гуллари чаман-чаман**
**Мен уларни ичаман.**
**Кўнглимда яшнар баҳор...**
**Нур билан тўлган бутун.**

**Баргдек узилиб кетсам,**
**Унутмас мени боғим.**
**Ишимни ҳурмат қилур,**
**Гуллардан ҳайкал қурур.**
**Минг йиллардан кейин ҳам**
**Унутмас мени боғим.**
**Шеърларим янграб қолур...**
**Бир умрга ўлмайман!**
**Ҳаётимнинг давоми —**
**Келажагимга ҳомий,**
**Ўрнимга боғбон бўлур:**
**Бир умрга ўлмайман!**

**О, у қандай давомдор!**
**Нур билан тўлган бутун.**
**Гуллари чаман-чаман,**
**Мен уларни ичаман.**
**Кўнглимда яшнар баҳор...**
**Нур билан тўлган бутун.**

***1935 йил.***

### БОТУ

## ЗУЛМ НИШТАРИ...



**Зулмлар ништари юракни тилмасин,**
**Дор нима, ўқ нима... ҳеч киши билмасин.**
**Қон тўкиш кишининг бошига келмасин...**
**Бу — бизга куч берган тилаклар тилаги...**
**Эркка йўл бермаган тўғонлар бузилсин:**
**Нурга ёв парданинг иплари узилсин.**

***«Умид учқунлари» тўпламидан, 1925 йил.***

# САҲНАГА БАХШИДА УМР

Ёднома

**Шундай театр актёрлари борки, уларнинг ижодий йўлига назар ташлаганда кўз олдингизда саҳна санъатининг бутун бир тараққиёти намоён бўлади. Одатда, бундай актёрлар ҳақида сўз борганда, уларни миллий театримиз устунларига менгзашади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ҳам узоқ йиллик меҳнати, санъатга садоқати эвазига юксак мақомга эришган фидойи санъаткорлардан бири эди.**



З.Муҳаммаджонов «Улуғбек хазинаси» телеспектаклида Улуғбек ролида

Зикир ака билан яқинлигимиз қарийб ярим асрлик тарихга эга. Саҳнадаги илк учрашувимиз кечагидек ёдимда. Биз бир гуруҳ ёшлар санъат институтини тамомлаб театр остонасига эндигина қадам қўйган кезларимиз. Очиғини айтганда, Зикир акани кўпчилик кино актёри сифатида танир эди. Айниқса, ватанпарварлик мавзуидаги филмлар ижодкорга катта шуҳрат келтирган. Бироқ Зикир ака актёр сифатида айнан кино майдонида камол топган, десак тўғри бўлмас. У ижодини Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Саъдихон Табибуллаев, Ғани Аъзамов, Муҳсин Ҳамидов каби саҳна дарғалари билан бир сафда бошлаган. Саҳнадаги илк сабоқларини Маннон Уйғур, Етим Бобожонов каби етук режиссёрлардан олди. Афсуски, З.Муҳаммаджонов ижро этган дастлабки спектаклларни томоша қилиш менга насиб этмаган. Зикир ака яратган образлар орасида Темур Малик ("Жалолиддин Мангуберди"), Родриго ("Қўзи булоқ"), Уста Жалолиддин ("Алишер Навоий"), Лаэрт ("Гамлет"), Фердинанд ("Макр ва Муҳаббат"), Бенволио ("Ромео ва Жульетта") каби жаҳон ва миллий драматургиямизнинг сара намуналари борлиги эътиборга лойиқ.

Миллий театрда фаолият бошлаганимдан сўнг актёр сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам Зикир акани қайта кашф этдим. Аслида устоз бутун вужуди ва хаёли билан театрга тегишли ижодкор экан. Очиқ юзли, чеҳрасидан табассум аримайдиган актёрнинг хаёли доимо бўлажак роллар билан банд бўларди. Сир эмас, Зикир ака каби салоҳияти кенг, касбига масъулият билан ёндашувчи ижодкорларга талаб катта бўлган. Бироқ устоз ҳеч қачон репертуарбоп актёр бўлишга интилмаган. Ўзига, атрофдагиларга ўта талабчан эди. Бордию кўнглига яқин қаҳрамони топилса бас, қандай рол бўлишидан қатъи назар бор куч-ғайратини сафарбар этарди.

З.Муҳаммаджонов ижодига ихлосим баланд бўлишига қарамай, дастлаб у кишини устозим деб аташга ҳаддим сиғмаган. Аммо Зикир ака шундай бағрикенг, одамшинаванда инсон эдики, ҳеч бир касбдошидан маслаҳатини аямасди. Аксинча ёш актёрларни қўллаб-қуватлаб, ижодий маҳоратларини чархлашда кўмак берарди. Театр саҳнасидаги биринчи ролимни ижро этишимда ҳам З.Муҳаммаджоновнинг хизмати катта бўлган. Устознинг тавсияси билан Тошхўжа Хўжаев ўз спектаклига таклиф қилди. Зикир ака билан устоз-шогирдлик алоқаларимиз кейинчалик ҳам давом этди. Вақт ўтиши билан бу муносабат самимий дўстликкка айланди.

Одатда мухлислар актёрларга баҳо берганда уларни маълум бир жанрлар бўйича тоифалашга ҳаракат қилишади. Мисол учун баъзи актёрлар томошабинлар орасида комедия усталари қаторида танилса, айримлари трагик ёки драматик услубдаги ижодкорлар сифатида ном чиқаришади. Шу маънода, З.Муҳаммаджонов яратган образлар, уларнинг умумий қиёфасига баҳо берадиган бўлсак, бир жиҳати билан эътиборимизни тортади. Яъни, актёр ижоди маълум бир жанр ёки қолип доирасида чекланиб қолмаган. Устоз трагик йўналишдаги қаҳрамонларни ҳам, драматик персонажларни ҳам бирдек муваффақиятли ижро этган. Театрдаги фаолияти давомида юзлаб ажойиб, ўзига хос образлар яратиб, халқимиз қалбидан муносиб ўрин олди. Буни ўз устида тинимсиз изланиши, маҳоратини мунтазам чархлаб такомиллаштириши эвазига эришди. Шу туфайли ҳам Зикир ака ижро этган образлар мукаммаллиги, бошқаларга ўхшамаслиги билан ажралиб туради.

З.Муҳаммаджонов, айниқса, буюк аждодларимиз сиймоларини яратишда катта ижодий ютуқларга эришди. Йигирма уч ёшидаёқ Маннон Уйғурнинг машҳур "Жалолиддин Мангуберди" трагедиясида Темур Малик образини талқин этиб, актёр мухлислар эътиборига тушди. "Абу Райҳон Беруний" драмасидаги бош қаҳрамон роли эса ижро маҳоратини янада чархлади. Ўша даврда театрнинг етакчи актёрлари сафидан ўрин олишга улгурган З.Муҳаммаджонов ижроси мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди. Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи асосида суратга олинган телефилмдаги шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек образи актёр ижодининг чўққисига айланди. Ушбу филмдан сўнг актёр ижро этган монологлар халқимиз орасида шу қадар машҳур бўлиб кетганки, Зикир ака қаерда мухлислар билан учрашмасин, албатта, асардан парчалар ижро этишини сўрашарди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Мамлакатимиз истиқлоли арафасида театримизда қайта саҳналаштирилган "Алишер Навоий" драмаси З.Муҳаммаджонов ижодида алоҳида ўринга эга. Маълумки, ўзбек саҳнасида мумтоз шоир образининг кўплаб талқинлари яратилган. Бироқ узоқ вақт давомида Олим Хўжаев яратган Навоий образи тенгсиз бўлиб қолаверди. З.Муҳаммаджонов ҳам ўзбек саҳнасида Навоийнинг яна бир ўлмас сиймосини яратишга муваффақ бўлган. З.Муҳаммаджонов ижросидаги муҳим янгиликлардан бири шуки, актёр Навоийни нафақат шоир, бетакрор ижодкор сифатида, балки шижоатли давлат арбоби сифатида ҳам гавдалантирди. Айниқса, актёр тилидан сўзланган ғазаллар спектаклга ўзгача кўрк бағишлаган.

Шу ўринда З.Муҳаммаджоновнинг кино санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро актёр кинода ижро этган ролларининг ўзиёқ элликка яқин. Ҳатто соф кино актёрлар ҳам Зикир ака эришган образлар ранг-баранглиги билан мақтана олмайди. Шунингдек, устоз эҳтиросга бой, бетакрор овозга ҳам эга эди. Касбдошлари орасида бежиз уни "актёрларнинг нотиғи" деб аташмаган. Кинодаги фаолияти давомида кўплаб машҳур филмларнинг дубляжида иштирок этиб, халқ орасида соҳир овоз соҳиби сифатида танилди.

З.Муҳаммаджоновнинг мустақиллик йилларидаги ижодий фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Тўғри, бу даврда актёр ижро этган ролларнинг сони аввалгидек кўп эмас. Бироқ Зикир аканинг саҳна ва экран ортидаги меҳнати таҳсинга лойиқ. Мухлисларнинг ёдида бўлса керак, собиқ шўро тузумининг сўнгги йилларида миллий санъатимиз, хусусан театр деярли инқироз ёқасига келиб қолган эди. Ана шундай мураккаб вазиятда З.Муҳаммаджонов саҳна санъатининг ҳақиқий сардори, йўлбошчиси сифатида майдонга чиқди. Театримизга кириб келган ёш актёрларга устозлик қилиш билан бирга, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси раҳбари сифатида саҳна санъати ютуқларини халқимиз орасида тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатди.

Дарҳақиқат, З.Муҳаммаджоновнинг актёрлик иродаси, театр санъатига бўлган муҳаббатига қойил қолса арзийди. У ўзининг бутун сермазмун ҳаёти ва ижодий фаолиятини Ўзбек миллий академик драма театрига бахшида қилди. Етмиш йил давомида бир саҳнада ижод қилиб, ҳаётининг сўнгги кунига қадар ана шу даргоҳ билан ҳамнафас яшаш чинакам жасорат эмасми! Шу сабабли ҳам истиқлол йилларида актёр ижоди давлатимиз томонидан юксак эътирофга сазовор бўлди. З.Муҳаммаджонов саҳна ижодкорлари орасида биринчилардан бўлиб "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига лойиқ топилди.

Мен театримиз саҳнасидаги қирқ йиллик ижодим давомида Зикир акадан кўп нарсаларни ўргандим ва бугун озгина бўлса-да, санъаткор деган номни оқлаган бўлсам, бунда устозим Зикир аканинг ҳиссаси катта, деб биламан. Устоз санъаткорнинг ўз касбини жону дилдан севиши, образлар устида тинимсиз изланиши, саҳнадаги ҳамкасбларига ниҳоятда талабчанлиги, ҳақиқий ижодкорларга хос юксак маданияти биз, ўнлаб шогирдлари, санъат даргоҳига кириб келаётган юзлаб навқирон ўғил-қизлар учун ҳам улкан мактаб бўлиб қолади.

**Теша МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти**

# ЁШЛАР ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШДА

**Кейинги йилларда театр санъати ривожига кенг эътибор берилаётгани соҳа ижодкорлари учун катта имкониятлар яратмоқда. Айниқса, Бухоро шаҳридаги муҳташам театр биносининг очилиш маросимида Президентимиз билдирган фикр-мулоҳазалар театр ижодкорларига юксак масъулият юклади. Эътиборли жиҳати, сўнгги вақтларда нафақат пойтахт, балки вилоят театрлари жамоалари ҳам зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай фаол ижодий жараёнларни Қашқадарё театрлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.**

Вилоят театрларида

Малакатимиз театрлари орасида бой тарихи, ўзига хос ижодий анъаналарга эга Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри сўнгги йигирма йил ичида салмоқли натижаларга эришди. Ўзбек саҳнасида Соҳибқирон сиймосига илк бора ана шу театрда мурожаат қилингани ҳам тасодиф эмас. Тажрибали режиссёр Баҳодир Назаров саҳналаштирган "Амир Темур" (1991) спектакли театр жамоасига кўтаринки руҳ бағишлаб, янги ижодий изланишларга чорлади. Шу йиллар ичида саҳналаштирилган саксонга яқин спектакллар орасида ўнлаб жиддий изланиш намуналарини кўриш мумкин. Жумладан, "Тақдир", "Тўйлар муборак", "Руҳлар исёни", "Жаҳаннамга бир қадам йўл", "Кўзлар", "Қайтармикан умр баҳори" каби спектакллар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Шу ўринда театр эришган ютуқлар замирида истеъдодли ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаш лозим.

Театр саҳнасида яратилган "Имкон" (Лутфулла Маҳмудов асари) спектаклида ижодий жамоанинг талқин ва ижро борасидаги ўзига хос услуби яққол кўзга ташланади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Маҳмудова саҳналаштирган ушбу асар инсонларни бефарқ бўлмасликка, ҳаётга теран кўз билан қарашга чорлайди. Асар комедия жанрида саҳналаштирилган бўлишига қарамай, асосий эътибор икки оила мисолида инсон қадр-қиммати, орзу-истаклари ва ҳаётда тутган ўрнини очиб беришга қаратилган. Режиссёр Н.Маҳмудова ушбу спектаклни дастлаб Миллий академик драма театрида саҳналаштириб, мухлислар синовидан ўтказгач Қашқадарё театрида ҳам намойиш этди.

Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг ёш актёрлари Ғайрат Ҳусаинов, Фарҳод Бойназаров (Рустамали), Моҳичеҳра Абдураҳмонова (Олма), Ориф Маматов (Паттаев), Раъно Мустафоева (Гулнафис) каби истеъдодли ёшлар ижро этган. Воқеалар давомида бош қаҳрамон ижрочилари Ғ.Ҳусаинов ва Р.Мустафоеванинг профессионал маҳорати ошиб боришини кўриш мумкин. Айниқса, санъат институтида моҳир педагог Арсен Исмоилов қўлида тарбия топган Ғайрат Ҳусаиновнинг устозлар ўгити ва анъанасига амал қилиб келаётгани мақтовга лойиқ. Ф.Бойназаров яратган образ Ғ.Ҳусаинов ижросидаги Рустамалидан кескин фарқ қилади. Унда воҳа одамларига хос соддалик, самимийлик, камтарлик балқиб туради. Спектаклдаги бозор саҳнасини томошабинлар ўзгача ҳаяжон билан кузатишади. Бу саҳнада актёр гоҳ болаларча севинади, гоҳ дунё ишларидан ўкинч билан қайғуради. Ушбу ролнинг таъсир кучини оширишда Р.Мустафоева яратган Гулнафиснинг ҳам алоҳида ўрни бор. Мана шу икки актёр ижросида ҳаёт синовларини сабот ва бардош билан енгиб келаётган инсонлар характери намоён бўлади.



«Нажот дарвозаси» спектаклидан кўриниш.

Спектакл баъзи камчиликлардан холи эмас. Жумладан, томоша жараёнида саҳнага корейс халқ қаҳрамони Жумонгнинг кириб келиши, бизнинг назаримизда, асар воқеаларини бачканалаштириб юборган.

Қашқадарё театрида ижодий муштараклик анъаналари шаклланиб бораётир. Хусусан, театрнинг кўпгина ёш актёрлари ўз кучини режиссурада ҳам синаб кўрмоқда. "Имкон" спектаклида Паттаев ролини яратган О.Маматов "Бехато отилган ўқ" асарини саҳналаштириб, мазкур соҳадаги илк изланишларини мухлислар эътиборига ҳавола этди. Араб драматурги Тавфиқ Ал-Ҳакимнинг ушбу асари оила мустаҳкамлиги, уни асраш, авайлаш ҳар бир инсоннинг асосий бурчи эканлиги ҳақида. Спектакл давомида режиссёр ўз мақсадини рамзий Эр (Ғ.Ҳусаинов) ва Хотин (М.Абдураҳмонова) образлари мисолида очиб беришга ҳаракат қилади. Узоқ йиллардан буён бирга яшаб келаётган эр-хотинларнинг ширин турмуши биргина қўшни қизнинг аралашуви туфайли зулматга чўмади. О.Маматовнинг спектаклни саҳналаштиришдаги асосий ютуғи шундаки, ёш режиссёр асар ғоясининг туб моҳиятини ҳаётий, табиий ижрода очиб беришнинг уддасидан чиқади.

Афсуски, театрнинг бугунги репертуарида аниқ бир ғояни ўзида мужассам этмаган, бадиий савияси саёз асарлар ҳам учрайди. Бунга Саид Анварнинг "Хизматдамиз хизматда" пиесаси асосида саҳналаштирилган "Югурганники эмас, буюрганники" спектаклини мисол қилиб келтириш мумкин. Режиссёр Актам Бойтўраев асарни саҳнага олиб чиқиш жараёнида актёрлар билан бирмунча изланишлар олиб борган. Аммо томоша давомида бемаъни, мантиққа зид ҳаракатлар кўплиги асарнинг бадиий савиясини тушириб юборган. Бунинг устига турли бачкана ҳаракатлар спектаклнинг томошавийлигини сусайтирган. Бу эса режиссёрнинг жанр хусусиятини тўла англаб етмаганидан далолат беради.

1988 йили Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов театри таркибидан ажралиб чиққан "Мулоқот" театр-студиясида ҳам ижодий жараёнлар қизғин. Маълумки, ўз санъатини жаҳоннинг кўпгина давлатлари саҳнасида намойиш қилиб, мухлислар эътиборига тушган театрдаги ижодий изланишлар сўнгги йилларда бироз оқсаётган эди. Хайриятки, театр жамоаси илгариги мавқеини тиклаб олишга муваффақ бўлди. Бу борада театр-студиянинг янги раҳбари З.Шоназарова жонбозлик кўрсатаётганини эътироф этиш лозим. Режиссёр Б.Назаров бошчилигида тузилган ижодий жамоа қисқа фурсат ичида катта ютуқларга эришди. Б.Назаров дастлаб ёш актёрлар билан ишлаб, уларга саҳна санъатининг нозик сир-асрорларини атрофлича ўргатди. Режиссёр дастлабки ишни Шароф Бошбековнинг "Тикансиз типратиканлар" пиесаси асосида "Қанотсиз фаришталар" спектаклини саҳналаштиришдан бошлади. Айни шу спектакл актёрларнинг илк ижодий парвози бўлди. Ушбу асарнинг таъсир кучи Ўткир (Ҳуснiddин Шамсиддинов), Соли (Шуҳрат Маъруфов), Мисрё (Зебо Бердимуродова), Учқун (Жасур Эргашев) образлари ижроси орқали янада кучайиб боради. Режиссёр Соли ролига ҳар жиҳатдан мос актёр танлай олган. Унинг ҳаракатлари томошабин қалбида ёшларга бўлган меҳрибонлик ҳиссини уйғотади. Қолаверса, спектакл таъсир кучини ҳам айни шу актёр ижроси белгилаб беради.

Бугун Қашқадарё вилоят театрларида ижодий жараён фаол давом этаётир. Айни пайтда вилоят театрларининг барчаси ижодга иштиёқи зўр истеъдодли ёшлар билан бойимоқда. Бу жараён эса саҳна санъатимиз ривожи йўлида хизмат қиладиган бадиий баркамол асарлар яратилишига умид уйғотади.

**Фахриддин АБДУВОҲИДОВ,**
**театршунос**

# НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН

Кўргазма залларида

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрами арафасида Ёшлар ижод саройида "Навқирон Ўзбекистон — 2012" бешинчи анъанавий ва замонавий санъат фестивали ўз ишини бошлади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этган мазкур кўргазмадан уч юз эллик муаллифнинг тасвирий санъат ва ҳунармандчиликка доир ранг-баранг асарлари ўрин олган.

Ёш ижодкорларни, жумладан, рассомлар, дизайнер ва ҳунармандларни қўллаб- қувватлаш мақсадида ташкил этиладиган мазкур фестивал икки йилда бир маротаба ўтказилади. Унда мамлакатимиз ва хориждаги олий ўқув юртларида соҳа бўйича таҳсил олган ва олаётган, ўн етти ёшдан ўттиз беш ёшгача бўлган ижодкор ёшлар иштирок этади. Ёшлар ижод саройининг биринчи қаватида ҳунармандчиликка доир асарлар ҳамда миллий матоларимиздан тикилган турли либослар намойиш этилмоқда.



— "Шахмат столи" номли асаримни 2009 йили бошлаганман, —дейди ҳунарманд Шавкат Юсупов. — Ёғоч ўймакорлиги билан ўн икки йилдан буён шуғулланаман. Шахмат доналарининг кўриниши ҳақида узоқ бош қотирдим, тахтанинг икки тарафини ислимий услубдаги нақшлар билан безадим.

Ёш рассом Б.Егоровнинг "Чеҳралар" туркуми, Тимур Рахметовнинг "Паралел оламлар" номли асари ёшларни ҳаёт ҳақида чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Нуриддин Русуловнинг "Бир лаҳза" асаридаги капалак тасвири инсон умрига қиёсланади. Андрей Ламановнинг оддий ёғоч бўлакларидан ишлаган фил қиёфаси томошабинларни ҳайратга солади. Маҳобатли фил атрофида эсдалик учун суратга тушаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Ёш ижодкорларнинг асарларини кузатаётган Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуриддиновдан кўргазма ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Ёшларнинг асосий ютуғи — ўйлаган фикрини ўзи истаган тарзда тасвирлай олганида, — деди Акмал ака. — Чунки баъзан рассом ўйлаган фикрини ифода қилиб беролмасдан қийналади. Шуни ҳам айтиш керакки, бугун ижодкорларга ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиш, айтадиган сўзини ўз "тили"да ифодалаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилябти. Мазкур кўргазма ҳам буни тўлиқ исботлаб турибди.

Дарҳақиқат, экспозициядан ўрин олган ҳар бир асарда муаллиф борлиққа бўлган муносабатини ёрқин рангларда, янгича тафаккурда ифода этишга ҳаракат қилган.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

# КОМПОЗИТОРЛИК САНЪАТИ ЮКСАЛИШДА

**Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори профессионал композиторлик ижодиёти ҳам янгича тамойиллар асосида ривожланиб бормоқда. Айни вақтда ўзбек композиторлик ижодиёти янги даврни бошдан кечирмоқда, деб бемалол айтиш мумкин. Ўтган йиллар давомида Рустам Абдуллаев, Мустафо Бафоев, Баҳрулла Лутфуллаев, Ойдин Абдуллаева, Хуршида Ҳасанова каби композиторлар катта-кичик жанрда кўплаб асарлар яратиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этдилар.**

Бу йил ҳам ўзбек композиторлари турли мавзуларда бетакрор асарлар яратдилар. Улар орасида симфоник оркестр учун яратилган Ҳабибулла Раҳимовнинг "Дўстлик садолари", Мустафо Бафоевнинг "Ёғду", Мирхалил Маҳмудовнинг "Истиқлол шодиёнаси", Фарҳод Алимовнинг "Шодиёна" увертюралари алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда анъанага айланган "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика қўшиқлар кўрик-танлови янги номлар ва янги истеъдодларни, шу билан бирга янги-янги қўшиқларни кашф этмоқда. Уларнинг муаллифлари орасида тажрибали композиторлар билан бирга ёш ижодкорлар ҳам бор. Истиқлолимизнинг 21 йиллиги арафасида бир қатор янги қўшиқлар дунёга келди. Рустам Абдуллаевнинг "Шодлик қўшиғи", "Менинг Ватаним", "Ватан мадҳи", Баҳрулла Лутфуллаевнинг "Ватан фасллари", Анор Назаровнинг "Кўзларимга тўтиё", Алишер Расуловнинг "Ўзбек халқим", "Тақдиримсан, бахтимсан, озод ва обод Ватан", Аваз Маллабоевнинг "Биз юрт посбонларимиз", "Ифтихор" ва "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан", Жаводбек Козимовнинг "Озод Ватан", Шуҳрат Дадажоновнинг "Муқаддас Ватан", Нажиматдин Мухамеддиновнинг "Туғилган ер", Қурбонбой Заретдиновнинг "Менинг азиз Ватаним, муқаддас Ватан" каби қўшиқлари шулар жумласидандир.

Мустақиллик шарофати билан халқаро алоқаларга кенг йўл очилди ва янада мустаҳкамланди. Айниқса, ёш истеъдодли композиторларимизнинг ютуқлари қувонарлидир. Хусусан, Жаҳонгир Шукуров ўз асарлари билан Америкада бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида муваффақиятли иштирок этди. Фаррух Акрамовнинг "Мусиқа", "Рубоиёт" каби камер асарлари шинавандаларга манзур бўлди, Сарвар Юсуповнинг "Отабек ва Кумуш", "Хасис бой ва хизматкор" каби мусиқали драма ва комедиялари республика театрлари репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

Ўзбекистон композиторлари ва мусиқашунослари бугун нафақат янги асарлар яратиб, ўз ижодлари билан мусиқа санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда, балки уни кенг тарғиб этишда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ижод ва жамоатчилик ишларини баробар олиб бораётган ана шундай етакчи композиторлардан бири, болалар мусиқа санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Хуршида Ҳасановадир. Йирик ва кичик жанрларда қатор асарлар яратган композитор асарлари турли концертлар ва маданий тадбирларда мунтазам янграмоқда. Жумладан, шу йилнинг май ойида Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган концертда фортепиано ва оркестр учун концерти муваффақиятли ижро этилди. Машҳур композитор Мухтор Ашрафий хотирасига бағишлаб ёзилган "Фантазия" асари кузда ижро этиш режалаштирилган. Бу йил Наврўз байрамида "Ассалом, Наврўз" ва "Келди Наврўз" қўшиқлари "Севинч" болалар гуруҳи ижросида янгради. Фаол композиторларнинг она Ватанни севиб, ардоқлашга, миллий мусиқа маданиятимиз хазинасини бойитишга ҳисса қўшиш йўлидаги изланишлари янада самарали бўлиши шубҳасиз.

**Муҳайё НАБИЕВА**

# БУНЁДКОРЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Манзара жанридаги асарлар ҳақида сўз борганда мухлислар кўз олдида мафтункор табиат тасвирлари гавдаланиши бежиз эмас. Тўғри, аксарият мусаввирлар табиат тасвирларини айнан шу йўналишда яратишни маъқул кўришади. Бироқ манзара жанри имкониятлари биз ўйлагандан кўра анча кенг. Аслида, бу йўналишда яратилган асарлар учун улуғвор меъморий обидалар, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари ҳам бой мавзу бўла олади. Фикримиз

## Кўргазма залларида

тасдиғини таниқли сураткаш Абдуғани Жумаев ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига армуғон сифатида Тошкент фото уйида ижодкорнинг "Бунёдкорлик эпопеяси" номли янги кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда ижодкорнинг сўнгги йилларда яратган манзара жанридаги энг сара ишлари тақдим этилди.

Кенг ва ёруғ кўргазма заллари бўйлаб айланар экансиз, мамлакатимиздаги истиқлол шукуҳини ҳис этгандек бўласиз. Аввало асарларнинг мавзуси эътиборингизни жалб этади. Кўргазмадан ўрин олган ижод намуналари шунчаки шаҳар ҳаётига бағишланган маиший мавзудаги тасвирлардан иборат эмас. Асарларнинг барчаси мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига бағишланган бўлиб, пойтахтимиз чиройига чирой қўшиб турган меъморий обидалар ҳақида сўзлайди. Бу асарларни ўзига хос тарихий хроникага ҳам ўхшатиш мумкин. Уларда мустақиллигимизнинг кейинги ўн йиллик даври қамраб олинган.


"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи гумбазидаги бадиий композиция.

Дастлабки экспозиция "Бунёдкор" стадионининг барпо этилишига бағишланган. Кишини ҳайратга солувчи маҳобатли тасвирларни кузата туриб, сураткашнинг маҳорати ва топқирлигига қойил қоласиз. Тасвирий баёнчиликдан қочишга ҳаракат қилган муаллиф суратга олинган ҳар бир кадрни маълум гуруҳларга ажратган. Мисол учун залдан ўрин олган биринчи асарлар жамланмасида стадионнинг эски қиёфаси акс этган. Навбатма-навбат бу лавҳалар алмашиниб боради. Экспозициянинг марказидан ўрин олган суратда стадионнинг пойдеворига тамал тоши қўйилмоқда. Аввалига мавҳум кўринишга эга бўлган архитектура намунаси аста-секин салобатли қиёфага кира бошлайди. Шу ўринда муаллиф суратга олишда фойдаланган ракурсларни алоҳида таъкидлаш лозим.


Нурота зиёратгоҳи.
А.Жумаев фотоэтюдлари.

А.Жумаев фото санъатида сўнгги йилларда анъанага айланиб қолган намойишкорона услубдан воз кечган ҳолда воқеани соф реалистик кўринишда акс эттиришга ҳаракат қилади. Бир қарашда, бу бадиий фотография талабларига зид бўлиб кўринса-да, муаллиф ҳаётий ҳаққонийликка бой тасвирларда поэтик руҳни топа олишга муваффақ бўлган. Шу туфайли ҳам рассом ишларида нур-соя ўйинларига зўр бериш, ёрқин рангларни қарама-қарши қўйиш каби ҳолатлар учрамайди.

А.Жумаевнинг ижодий қарашлари, айниқса "Ўзбекистон" анжуманлар саройининг барпо этилиши ҳақида ҳикоя қилувчи фото суратларда яққол акс этган. Ижодкор қурилиш ишларини бутун кўлами билан қамраб олишга интилади. Аксарият лавҳалар баланд нуқтадан суратга олинганининг сабаби ҳам шунда. Бу орқали муаллиф бунёдкорлик ишининг аҳамиятини кўрсатмоқчи бўлган. Шунингдек, рассом қурувчилар қиёфасини акс эттиришга ҳам катта эътибор берган. Эътирофга лойиқ жиҳати, ушбу лавҳаларнинг асосий қисми статик, яъни ҳаракатсиз кўринишда эмас. Аксинча, муаллиф қурувчиларни иш вақтида тасвирлаб, уларнинг юз ифодалари, руҳий кечилмаларини кадрга муҳрлайди. Мисол учун, суратларнинг бирида қурувчилар бинонинг меъморий ечимлари ҳақида суҳбатлашмоқда. Уларнинг нигоҳлари юксакка — бино устунлари томон қаратилган бўлиб, рассом архитектура намунаси ва инсон ўртасида ўзига хос уйғунлик топишга эришган.

Маҳобатли манзаралар қаторида томошабинларни натюрморт, портрет жанридаги асарлар ҳам бефарқ қолдирмайди. Бироқ ушбу лавҳалар шартли кўринишда, умумий муҳитдан ажралган ҳолда суратга олинмаган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бевосита муаллиф асарларида ифода этилган барча деталлар бунёдкорлик ишлари билан боғланган. Мазкур жиҳат "Ҳазрати Имом" мажмуаси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейларига бағишланган композицияларда ҳам ўз аксини топган. "Ўзбекистон" анжуманлар саройи, "Бунёдкор" стадионида замонавий дизайн жилоларига урғу берилган бўлса, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлиги мажмуида халқимизга хос миллий руҳ очиб берилган.

Албатта, биз юқорида келтирган мисоллар катта кўргазманинг кичик лавҳалари, холос. Ҳар бир залда юздан ошиқ фото асарлар ўрин олганини таъкидлаган ҳолда А.Жумаевнинг ижодий сермаҳсуллигини эътироф этиш лозим. Муҳими, сондаги сифат маҳорат билан уйғун. Томошабинлар орасида нафақат санъатга қизиқувчилар, балки ўқувчи ва талабаларнинг кўплиги эса фото санъатига бўлган қизиқиш ёшлар орасида ортиб бораётганини далолат беради.

**Азиз ИМОМОВ**

## Дунё — кенг...

# ДЕНГИЗДА ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ қуриш мумкинми?

**"Кўк денгизга гугурт олиб тулкивойлар етдилар, ва сўнгра, буни қаранг, кўк денгизни ёқдилар". Корней Чуковскийнинг мазкур сатрлари кўпчиликка ёд бўлиб кетган. Бироқ бугунги илм-фан янгиликлари нуқтаи-назаридан бу сатрлар мағзини чақмоқчи бўлсангиз, адиб ниҳоятда ғайриоддий табиат ҳодисасини башорат қилганига амин бўласиз. Гап шундаки, 1927 йил сентябр ойида қримликлар, ҳақиқатдан ҳам, денгизнинг ёнганига гувоҳ бўлишган. Ўшанда гидролог П.Двойченко "Тутун пардаси остидан ловуллаб олов ўрлардн", деб ёзганди. Воқеани ўз кўзи билан кўрганларнинг айтишича, аланга денгиз сатҳидан 500-800 метргача кўтарилган. Айни чоғда, қирғоқ бўйлаб ўша пайт палағда тухум ҳиди анқиган. Айнан сероводород ўздан шундай бадбўй ҳид чиқаради. Қора денгиз туби эса, сероводородга бой.**

Ўша кунларда Ялта яқинида зилзила рўй берган. Зилзила ўчоғи денгиз тубида бўлиб, осмонда чақмоқ чаққан. Мутахассислар изоҳ беришича, ўшанда ер силкиниши туфайли сероводород денгиз тубидан юзага чиққан ва яшин тушиб ёниб кетган.

Қора денгиз камдан-кам учрайдиган ноёб ҳавзаки, унинг сувлари Ўрта ер денгизи билан саёз Босфор бўғози орқали алмашиниб туради. Амалда эса, денгиз жаҳон уммонларидан деярли ажралиб қолган. Шу сабабли ўзига хос тиндиргич, чўкинди-қуйқа ҳавзасига айланиб, минг-минг йиллар мобайнида унинг тубида сероводород тўпланиб қолаверган. Сероводороднинг қандай пайдо бўлгани ҳақидаги баҳс ҳануз тўхтамаган бўлса-да, бир нарса аниқ — сувнинг 100 метр юза қатламидагина денгиз ҳаёти мавжуд. Қуйи қисми эса, ёнувчан ва заҳарли газларга тўйинган ўлик сувдан иборат. Ҳозир бу қатлам денгиз ҳажмининг 90 фоизини ташкил этади ва унинг миқдори тобора ортиб бормоқда. Айрим экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу қатлам ҳар йили икки метрга катталашаётган экан. Денгизнинг айрим жойларида сероводородли қатлам 25-50 метрча кўтарилган, кучли пўртаналар пайти қирғоқда палағда тухумники сингари бадбўй ҳид анқиши шундан далолатдир. Тоза сув миқдори камайиб, "қораденгиз фаунаси" кескин озайиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди.

— Қора денгиз зилзилалар юз берадиган сейсмик фаол ҳудуд, — дейди таниқли уммоншунос А.Городницский. — Зилзилани зичланган метан ва бошқа ёнувчан газларнинг юқори босим остида газогидратларни сиқиб чиқариши юзага келтиради.

Айрим тахминларга кўра, вазият мураккаблашса, миллионлаб аҳоли кислород етишмаслигидан димиқиб ҳалок бўлмаслик учун денгизбўйидан бошқа ҳудудларга кўчишга мажбур бўлади. Бордию портлаш содир бўлса, тонналаб қуюқ олтингугурт кислотаси атмосферага отилиб, бошқа ҳудудларга ёмғир бўлиб ёғади.




— Икки йилча бурун Украинанинг Николаев вилояти Коблево курортида бир миқдор сероводород ҳавога чиққани қайд этилди, — дейди муҳандис Г.Бугрин. — Ўшанда тўлқинлар 100 тоннадан кўп ўлган балиқларни қирғоққа чиқариб ташлади. Бундай фавқулодда ҳолат ҳар лаҳзада, каттароқ кўламда такрорланиши мумкин.

Г.Бугрин олти йил Америкада яшаб, идеал даражада теп-текис автобанлар қурилишида иш бошқарувчи бўлган. Бундай автобанлар заргарона технология асосида қурилади. Россия йўлларининг аҳволи эса, кўпчиликка маълум. Г.Бугрин ватанига қайтгач, Қора денгиз сероводородидан фойдаланиб, сифати хориждагидан қолишмайдиган автотрассалар қуриш иштиёқида ёна бошлади. Унинг айтишича, илгари ана шу сероводороддан халқ хўжалигида фойдаланишга доир таклифлар, ҳатто шу йўналишда илмий дастур ҳам бўлган. "Рус Тесласи" деб шуҳрат қозонган ихтирочи Лев Юткин 1979 йили шундай лойиҳани таклиф этган: Қора денгизнинг остки қатламлари суви махсус қувурлар ёрдамида юқорига чиқарилиб, электрогидравлик зарба бериш натижасида ундан сероводород ажратиб олинади. Бу газ ёқилганда унинг ҳар бир килограмми 4 минг ккал. энергия беради. Ҳисоб-китобга кўра, шундай технология амалга ошса, мамлакатнинг барча ҳудудларини электр энергия билан таъминлаш мумкин экан.

Г.Бугриннинг лойиҳаси бўйича эса, сероводороддан фақат электр энергия олиш билан кифояланиб қолинмайди. Унинг исботлашича, мазкур денгиз сувидан бир қанча фойдали моддалар олиш мумкин экан. Аввало, кун сайин эҳтиёж ошиб бораётган экологик тоза ёнилғи — водород олиш мумкин. Нижегород вилоятидаги водород иқтисодиёти институти шундай ёнилғи сотиб олишга қизиқиш билдирмоқда. Иккинчидан, мазкур денгиз сувидан Менделеев жадвалидаги нодир элементларни, шу жумладан, олтин ва кумушни ҳам ажратиб олса бўларкан.

Бироқ муҳандис Г.Бугриннинг таъкидлашича, Қора денгиз сувидан ажратиб олинадиган энг асосий маҳсулот — олтингугурт. Европа ва Шимолий Америкада автомобил йўллари қурилишида ундан боғловчи материал сифатида кенг фойдаланилади.

— Олтингугуртдан шу мақсадда фойдаланиш битум учун сарфланадиган харажатларни 25-35 фоизга камайтиради, йўл қатламининг мустаҳкамлиги ва иссиқ-совуққа бардошлилигини, бинобарин, яроқлилик муддатини оширади, — деб таъкидлайди у. — Бундан ташқари, қурилиш материллари, шу жумладан, бетон тайёрлашда қўшиш мумкин бўлган мураккаб бирикмалар олинади. Сероводороддан электр энергияси ҳосил қилиш денгизни тозалаш билан бирга юз бериши мумкин бўлган табиий фалокатларнинг ҳам олдини олади. Агар шу технология ҳаётга татбиқ этилса, бундан кўриладиган иқтисодий фойда дастлабки йилнинг ўзидаёқ 625 млн. долларни ташкил этади.

Техника фанлари номзоди В.Клименконинг таъкидлашича, бу технология плазмотрон методига асосланади, яъни сув юзасидаги платформа устида махсус қурилма жойлашади. Электр ёрдамида сероводород молекулалари бўлакларга бўлиниб, икки элемент — олтингугурт ва водород ажратиб олинади. Бу олтингугуртдан йўл қурилишидагина эмас, тиббиёт ва турли ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Клименко Г.Бугриннинг ҳамфикрларидан бўлиб, у ниятни амалга оширувчи гуруҳ ҳам тузган. Дастлабки плазмотронларни тайёрлайдиган иккита корхона билан келишилган. Краснодар ўлкаси бунинг учун ўз ҳудудидан ер майдони ажратишга тайёр. Фақат маблағ билан таъминловчи инвесторни топиш қолган, холос.

*"АиФ"нинг 33-сонидан.*

# ҲАЁТ ШИРИН...

**Умрни бекорга оқар дарёга менгзашмайди. Инсон дунёга келгач қанча умр кечиради, нималар қилишга улгурадию нималар армон бўлиб қолади, бу яратганнинг ёлғиз ўзига аён. Отам ўз тенгқурлари ичида анча кеч уйланганлари учун фарзандларининг барчасини эртароқ уйлашга ошиқдилар. "Менга ўхшаб ҳаётда қоқилмасин, фарзандлари тезроқ ота-онасига қанот бўлсин". Бу гапни ичида ҳам, ташида ҳам бот-бот айтарди.**

Кунларнинг бирида отам:

— Мана ёшинг ҳам йигирмага қараб кетди. Мен ўғилларимни эрта уйлайман деб ният қилганман. Бугун шу ният бўсағасидаман. Кўзлаганинг бўлса айт. Тўйни бошлаймиз, — деб қолдилар.

— Нима деяпсиз? Ҳали ёшман. Бунинг устига ўқиш ниятим бор. Уйланишга ҳали эрта. Бу ташвишни ҳалитдан елкамга олмоқчимасман.

Отам бир сўзли, айтганини амалга оширмасдан кўнгиллари жойига тушмайдиган дангалчи инсон эди. Бу ёғи отам айтгандай бўлди. Турмуш қурдим. Ўқиш ҳам, оилани тебратиш ҳам бирдек ўтаверди. Ҳаш-паш дегунча биринкетин фарзандларимиз дунёга келди. Отамнинг севинчлари мендан-да чексиз эди.

Бир куни набираларини опичлаб юриб менга дедилар:

— Уйлайман десам кўнмаган эдинг. Умринг зиёда бўлса, ёшинг қирққа тўлганда ўғлинг йигирмага тўлади. Маҳалладаги йиғинларга ота-бола эшикдан бирга кириб борсангизлар ҳамманинг ҳаваси келади. "Буни қаранг, ўғли ҳам ортидан етиб олибди. Умрни ўтишини қаранг", деб.

Шундай бўлди ҳам. Афсуски, бу кунларни кўриш падари бузрукворимга насиб этмади.

Бугун набирамни етаклаб юраяпман-у, шу хаёллар мени тинч қўймайди. Мени олдинда қандай кунлар, ҳаётнинг қандай синовлари кутаётган экан?

## Турмуш чорраҳаларида

Ҳозирги ёшлар ақлли, доно, дунёқараши, фикрлаши жуда кенг. Келажакни олдиндан кўришга интилиши кучли. Набирам эндигина тўрт ёшга тўлди. Мендан бир қадам ортда қолмайди. Кўчамизда бир бизнесмен йигит бор. Уйини бузиб ҳозирги замонга мослаб қайта қурди. Илгари уйнинг томини шунчаки ёпардик-қўярдик. Ҳозир уйларнинг томини ёпиш ўзига яраша санъат даражасига кўтарилди десам муболаға бўлмайди. Набирам билан шу уйнинг олдидан ўтиб кетаётган эдик. Шу мурғак гўдакнинг сўзлари мени ҳайратга солди. Нима деди денг:

— Бува, чиройли уй экан-а? Додажон, мен катта бўлиб пул топсам, сизга ҳам шундай чиройли уй қуриб бераман.

Набирам бу гапларни айтаётганда биз икковлон менга отамдан эсдалик бўлган машинада ғизиллаб кўчамиздан ўтиб борардик. Шаҳримиз кўчаларини ўзимизнинг Асакада чиқаётган замонавий машиналар тўлдириб юборди. Кўрсанг кўзинг қувнайди. Юртнинг тинчлигидан, халқимизнинг ўзига тўқлигидан баҳри-дилинг яйрайди. Шу он набирам яна хаёлимни бузди.

— Буважон, бу машинани сотамиз-а?

— Нега болам? Бу машина отамдан қолган ёдгорлик. Қандай сотамиз, кўзим қиймайди!

— Манави машиналарнинг чиройини қаранг. Сизга ўзим "Ласетти" олиб бераман. Ёки "Каптива" оламизми?

— Ҳа, майли болам, ниятингга ет. Замон энди сизларники-да.

Боланинг фикрлашини қаранг. Тўрт ёшли бола бобосига ҳашаматли уй қуриб, замонавий машина олиб беришни ният қилаяпти.

Бобомнинг олдиларида кўп бўлар эдим. Улар доим аввал юртга берсин дердилар. Тинчликни ҳам, бойликни ҳам, соғликни ҳам аввало юртга берсин! Юртга бергани бу — сенга бергани болам, деб кўп гапирар эдилар у киши. Бунинг тагида олам-олам маъно борлиги бугун ўзини яна бир бор намоён этаяпти. Ниятда кўп гап бор. Албатта, ният яхши бўлса амалга ошади.

Набирам яна хаёлимни тўзғитди.

— Буважон, уйимиз олдига шунақа "суппер маркет" қурамизми-а?

— Нима қиламиз, қуриб?

— Ҳамма нарсалардан олиб бориб қўямиз. Нима керак бўлса ўшатдан олиб ишлатамиз. Кейин қўшниларга ҳам берамиз. Тугаб қолса яна олиб келамиз. Яхши-ку?

Отам етти ёшларидан дўконда нон сота бошлаган эканлар. Бир умр савдо нонини еб катта бўлдик. Демак, набирамда ҳам отамга ўхшаган чиройли уйларга, чиройли машиналарга, тўкин ва фаровон ҳаётга иштиёқ ривожланяпти. Илоҳим, нияти амалга ошсин!

Кўз очиб юмгунча бобом, отам, фарзандларим ва набирамнинг ҳаёти бир-бир тасаввуримдан ўтаяпти. Оқиб бораётган умрда орзулар, армонлар, қувончу ташвишлар доим эгиз ва бирга бўларкан-да. Ҳаёт шуниси билан ширин эмасми?

**Асрор СУЛАЙМОНОВ**

# "ТУПРОҚ ҲИДИ"

"Ўзбекистон" нашриёти ёзувчи ва журналист Ўктам Мирзаёрнинг "Тупроқ ҳиди" деб номланган қиссалар ва ҳикоялар китобини чоп этди. Тўпламдан адибнинг турли йилларда ёзган асарлари ўрин олган.

## Доимий ҳамроҳ

Адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков "Изланиш омад калитидир" сарлавҳали китоб сўзбошисида "Вой, отам" қиссаси қаҳрамони Сафарбой отадаги жўмардлик, соф ўзбекона характер хусусиятларини алоҳида таъкидлаганидек, Сафарбой ота ҳалол яшаб, бир уй китоб йиғган, рафиқаси оламдан ўтиб ёлғиз қолганида уларни қайта-қайта мутолаа қилиш билан вақт ўтказади, умри мазмунига мазмун қўшади. Бироқ унинг "оқ ювиб, оқ тараган" ўғли Носиржон бу китоблар дунёсига ҳам, падари бузрукворига ҳам гўёки бегона. У хона шифтигача бир текис қилиб терилган отаси китобларига лабини буриб, бошини чайқаб тикилиб туради ва сўнгра афтини бужмайтириб, "Эссиз, шунча китобни ўқишга кетган вақт, кўз нури", дейди. Ота эса кўзда ёш билан ўғлини қандай жин уриб қўйганига ҳайрон: "ҳаромхўр қарғаларнинг ҳам бир-бирига оқибати бор, тўпидан ажралмайди! Биз инсонлармиз-ку! Ўғлимни нима жин урди, ахир?! Бойлик кўзини кўр қилиб қўйибди, чоғи! Умидим шумиди? Мен ҳузуримга меҳри товлаб келиб турибди, десам олиб келган овқатини миннат қилди-я! ...Ҳалиям куч-қувватим бор. Ўзимни ўзим эплай оламан. Вақтида айтгани яхши бўлди...", деб ёзғиради. Айни чоғда қиссада яхшиликни чин инсоний бурч деб тушунган самимий одамларнинг ўзига хос дунёлари очиб берилган.




"Гўжа" сарлавҳали ҳикоя эса яқин тарихимизда бўлиб ўтган кунларнинг ғаройиб манзараларини яна бир бор эсга солади. Ҳикояда амал эгаларига қуллуқ қилиб яшашнинг ҳадисини олган бир тоифа кишиларнинг қиёфалари "райкомбува"нинг юбилейи воситасида ишонарли ифодасини топган. Тўйга баковулликни қўлга киритган Маташкал хўжалик раҳбарларига антиқа "солиқ" солади, яъни ҳар бир кичик раҳбар "райкомбува"нинг зиёфатига тансиқ таомлардан тайёрлаб келиши, бир раҳбарнинг таоми бошқасиникини такрорламайдиган бўлиши керак. Бундай қалтис "томоша"ни эплаш осонми? Ҳамма ўзича тадбир ахтаради, бошқаникига ўхшамайдиган таом пиширтириб келиш учун елиб-югуради, ўзини ўққа-чўққа уради. Ва айни шу жараёнда ҳар бир персонажнинг ўзига хос бўлган қиёфаси аён бўлиб боради.

Тўпламдаги "Адашган қисмат", "Тупроқ ҳиди", "Ор", "Соврин", "Совға" каби қисса ва ҳикояларда ҳам адибнинг ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ўзгача нигоҳ билан кўриши ва тасвирлаш маҳорати, ижодий позицияси акс этиб турибди.

Китобга А.Зиёдов муҳаррирлик қилган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50*
*Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42*
*Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Суюндик МАМИРОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 2.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4863 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2181-614X
9 772181 614000